

www.arabic.uz кутубхонаси

# معلم نحو لسان العرب

تأليف

عبد الرحمن بن اسماعيل بن عمر الخاطري

## Араб тили наҳв муаллими

*(Араб тили наҳв фанидан дарслик)*

Муаллиф:

Абдурроҳман ибн Исмоил ибн Умар Ҳожитархоний

Нашрга:

Анвар Аҳмад  
тайёрлади

Тошкент  
2015-йил

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Наҳв илми – калималарнинг охирини қандай ҳолда бўлишини билдирадиган илмдир.

Калима – ўзидан маъно англатган муфрад (ёлғиз) бир лафздир. زَيْدٌ، رَجُلٌ каби.

Лафз – оғиздан чиққан товушдир.

Муфрад – Ўзининг бўлакларидан ўзининг бўлак маъноси англашилмаган лафздир. زَيْدٌ каби. Зайддан маълум бир кишини тушунилади. Зайднинг бўлаклари бўлган "зе" ҳарфи, "йе" ҳарфи "де" ҳарфи бўлиб, ушбу ҳарфлардан унинг боши, ўртаси ва оёғи англашмайди.

Калима уч қисмдир:

1. Исм.

2. Феъл.

3. Ҳарф.

Исм – уч замонга далолат қилмаган калимадир. زَيْدٌ каби.

Феъл – уч замондан бирига далолат қилган калимадир. ضَرَبَ - урди каби.

Ҳарф – Ўзидан бир маъно англатишда бошқа калимага мухтож бўлган калимадир. مِنْ (-дан), إِلَى (-га), فِي (-да).

## Калом ва жумла

Калом – бир неча калимадан қўшилиб, эшитган кимсага фойда келтирувчи сўзлардир.

زَيْدٌ عَامٌّ، بَكْرٌ جَاهِلٌ каби.

Маъноси: Зайд олимдир, Бакр жоҳилдир.

Каломни жумла деб ҳам номланади.

Жумла икки турлидир:

Аввалги бўлаги исм бўлса "Жумлаи исмийя", дейилади.

بِلَالٌ مُؤَدِّنٌ каби.

Маъноси: Билол муаззиндир.

Аввалги бўлаги феъл бўлса, "Жумлаи феълийя", дейилади.

بِلَالٌ أَدَّنَ каби.

Маъноси: Билол азон айтди.

Жумлалардаги калималарни омилларни эътиборга олиб ўқимоқ керак.

Омил – Калималарнинг охиридаги эъробни ҳосил қилган нарсадир.

Феълнинг барчаси исм билан ҳарфнинг баъзиси "Омил" бўлади.

Эъроб – Калималарнинг охири ҳар турлик бўлган ҳаракат ёки ҳарфлардир.

Эъроб бўлувчи ҳаракат учтадир: "Замма", "фатҳа", "касра".

Эъроб бўлувчи ҳарфлар учтадир: "Вов", "алиф", "йо"дир.

Ушбу ҳаракат ва ҳарфларнинг турланиши омилларнинг амалда турланиши ила бўлур.

Масалан:

Холид келди	جَاءَ خَالِدٌ
Холидни кўрдим	رَأَيْتُ خَالِدًا
Холиднинг ёнидан ўтдим	مَرَرْتُ بِخَالِدٍ

Бу жумлалардаги خَالِد سۆзининг охири, омилларнинг амалда турлангани учун биринчисида خَالِد заммалик, иккинчисида фатҳалик, учинчисида эса касралик келган.

جَاءَ أَبُوكَ (Сенинг отанг келди) رَأَيْتُ أَبَاكَ (Сенинг отангни кўрдим) مَرَرْتُ بِأَبِيكَ (Сенинг отанг ёнидан ўтдим) дегандаги أَبُو сўзининг эъроби каби.

Эъроб лафзда ошкора бўлса, "эъроб лафзий", дейилади. Юқоридаги خَالِد ва أَبُو сўзлари каби.

Агар эъроб лафзда ошкора бўлмаса "эъроб тақдирий", дейилади.

Қуйидаги охирида алиф бўлган калималар каби.

جَاءَ مُوسَى، رَأَيْتُ مُوسَى، مَرَرْتُ بِمُوسَى

Охирида "йо" бўлган калималарда замма билан касра тақдирда, фатҳа эса лафзда бўлади.

جَاءَنِ الْقَاضِي وَرَأَيْتُ الْقَاضِي، وَمَرَرْتُ بِالْقَاضِي

### الإعرابُ في الأسماءِ

حَالَةُ الإِعْرَابِ	مُفْرَدٌ ↓	تَشْبِيهُ ↓	جَمْعُ الْمَذَكَّرِ ↓	جَمْعُ الْمُنْثَى ↓	غَيْرُ الْمُنْصَرَفِ	الأَسْمَاءِ الْحَمْسَةِ ↓
مَرْفُوعٌ: ←	مُعَلِّمٌ (الضَّمَّةُ)	مُعَلِّمَانِ (أَلْف)	مُعَلِّمُونَ (و)	مُعَلِّمَاتٌ (الضَّمَّةُ)	إِبْرَاهِيمُ (الضَّمَّةُ)	أَبُوكَ (الْوَاوُ)

رَأَيْتُ	رَأَيْتُ	مُعَلِّمَاتٍ	إِبْرَاهِيمَ	أَبَاكَ (الألفُ)	مَنْصُوبٌ: ←
(ي)	(ي)	(الكسرةُ)	(الفتحةُ)		
مُعَلِّمِينَ	عَلَى مُعَلِّمِينَ	مُعَلِّمَاتٍ	إِبْرَاهِيمَ	أَبِيكَ (الياءُ)	مَجْرُورٌ: ←
(ي)	(ي)	(الكسرةُ)	(الفتحةُ)		

### الإعراب في الأفعال المضارع

مُفْرَدٌ ↓	تَشْبِيهُ (الأفعال الخمسة)	جَمْعٌ (الأفعال الخمسة)	الحالة الإعرابية
يَكْتُبُ (الضمة)	يَكْتُبَانِ (ثبوت النون)	يَكْتُبُونَ (ثبوت النون)	مَرْفُوعٌ: ←
أَنْ يَكْتُبَ (الفتحة)	أَنْ يَكْتُبَا (حذف النون)	أَنْ يَكْتُبُوا (حذف النون)	مَنْصُوبٌ: ←
لَمْ يَكْتُبْ (السكون)	لَمْ يَكْتُبَا (حذف النون)	لَمْ يَكْتُبُوا (حذف النون)	مَجْرُومٌ: ←

### الإعراب التقديري في الأسماء

المُضَافُ إِلَى يَاءِ الْمُتَكَلِّمِ ↓	الْمُنْقُوصُ (ياء لازمة) ↓	الْمُقْصُورُ (ألف لازمة)	الحالة الإعرابية
جَاءَ صَدِيقِي (الضمة المقدرة)	الْمُحَامِي (الضمة المقدرة)	الْمُرْتَضَى (الضمة المقدرة)	مَرْفُوعٌ: ←
رَأَيْتُ صَدِيقِي (الفتحة المقدرة)	الْمُحَامِي (الفتحة الظاهرة)	الْمُرْتَضَى (الفتحة المقدرة)	مَنْصُوبٌ: ←
سَلَّمْتُ عَلَى صَدِيقِي (الكسرة المقدرة)	الْمُحَامِي (الكسرة المقدرة)	الْمُرْتَضَى (الكسرة المقدرة)	مَجْرُورٌ: ←

### الإعراب التقديري في الأفعال

مَرْفُوعٌ ↓	مَنْصُوبٌ ↓	مَجْرُومٌ ↓	الحالة الإعرابية ←
يَخْشَى (الضمة المقدرة)	أَنْ يَخْشَى (الفتحة)	لَمْ يَخْشَ (حذف الألف)	في آخره الألف

	المُقَدَّرَة		المقصورة ←
لم يَدْعُ (حذف الواو)	أن يَدْعُو (الفتحة الظاهرة)	يَدْعُو (الضمة المُقدَّرة)	في آخره الواو ←
لم يَرِم (حذف الياء)	أن يَرِمِي (الفتحة الظاهرة)	يَرِمِي (الضمة المُقدَّرة)	في آخره الياء ←

### إعراب أسماء الخمسة:

دُومَالٍ	فُوكَ	حَمُوكَ	أخوكَ	هَذَا أَبُوكَ	في الرفع ←
ذَامَالٍ	فَاكَ	حَمَاكَ	أخَاكَ	رَأَيْتُ أَبَاكَ	في النصب ←
ذِي مَالٍ	فِيكَ	حَمِيكَ	أخِيكَ	مَرَزْتُ بِأَيْبِكَ	في الجر ←

### Калима икки хил бўлади: мўъраб ва мабний

Мўъраб – охири эъробланадиган, яъни охири ўзгарадиган калимадир. زيد فاضل каби. زيد ва فاضل каби.

Мабний – охири эъробланмайдиган, яъни охири ўзгармайдиган калимадир. ضَرَبَ، مِنْ، إِلَىٰ каби.

Феъли музореъ билан аксар исмлар мўъраб бўлади. Қолган феъллар, яъни мозий ва амр феъллари, ҳарфларнинг барчаси ва баъзи исмлар мабнийдир.

Мўъраб икки хил бўлади.

1. Исми мўъраб.
2. Феъли мўъраб.

Мўъраб исм уч қисмдир:

1. Марфуъ. 2. Мансуб. Мажрур.

Исми марфуъ – ўзида рафъ аломати бўлган исмдир.

Рафъ аломати учтадир:

Замма, алиф, вов.

Замма – муфрад исм, синиқ жамъ ва жамъ муаннас солимда рафъ аломатидир.

قَرَأَ طَالِبٌ (Талаба ўқиди)

سَمِعَ طَلَبَةٌ (Талабалар эшитди)

كَتَبَتْ طَالِبَاتٌ (Талаба қизлар ёзди).

Муфрад ёки воҳид – нарсанинг битталигига далолат қилган исмдир. (طَالِبٌ) каби.

Жамъи мукассар (синиқ кўплик) – бирлик сийғаси ўзгарган жамъдир. طَلَبَةٌ каби. У طَالِبٌ нинг жамъидир.

Бу ўзгариш ҳаракатларни ортириш орқали ҳам бўлади. أُسْدٌ каби. У أُسْدٌ нинг жамъидир.

Гоҳида ҳаракати зиёда бўлиб, ҳарфларидан бири тушириш орқали ҳам бўлади. رُسُلٌ каби. У رَسُولٌ нинг жамъидир.

Ёки ҳарф орттириш орқали ҳам бўлади. رِجَالٌ، بَيْوتٌ каби. Улар رِجَالٌ، بَيْتٌ ларнинг жамъидир.

Жамъи муаннаси солим – Муфрад сийғаси саломат қолиб, нарсанинг кўплигига далолат қилиш учун охирига "алиф" ва "те" қўшилган жамъдир. طَالِبَاتٌ каби. У طَالِبَةٌ нинг жамъидир.

Алиф тасния исмларда рафъга аломатдир.

جَاءَ طَالِبَانِ وَصَافِحَ كِلَاهُمَا каби.

Икки талаба келди. Иккови қўл бериб сўрашди.

Тасния – нарсанинг иккиталигига далолат қилиши учун бирликнинг охирига "алиф" ва "нун" ёки олди фатҳали бўлган "йо" билан "нун" туташган исмдир.

طَالِبَيْنِ، طَالِبَانِ каби.

Икки талаба, икки талабани.

Таснияга бириктирилган исмлар:

اِثْنَانِ، اِثْنَانِ، اِثْنَانِ، اِثْنَانِ каби.

Буларнинг ҳар бири "икки" маъносида бўлади.

كِلَا музаккарда, كِلَا муаннаста келади.

عَلِمَ الطَّالِبَانِ كِلَاهُمَا. جَاءَتِ الْمَرْأَتَانِ كِلْتَاهُمَا

"о" жамъ музаккар солимда, сонларда ва охири иллат ҳарфи бўлган олти исмларда рафъга аломатдир.

جَاءَ الطَّالِبُونَ

Талабалар келди.

اجْتَمَعَ عِشْرُونَ

Йигирмата йиғилди.

أَلُو فَهْمٍ

Онг эгалари.

اجْتَهَدَ أَبُو بَكْرٍ

Абу Бакр фаол бўлди, дегандаги каби.



Жамъ музаккар солим – нарсанинг иккидан ортиқлигига далолат қилиши учун бирликнинг охирига "вов" билан "нун" ёки олди касралаи бўлган "йо" билан "нун" туташган исмдир.

طَالِبُونَ، طَالِبِينَ каби.

Жамъ музаккар солимга яқинлаштирилган исмлар:

عَشْرُونَ، ثَلَاثُونَ، أَرْبَعُونَ، خَمْسُونَ، سِتُونَ، سَبْعُونَ، ثَمَانُونَ، تِسْعُونَ، أُولُو каби.

Охирида иллат ҳарфли бўлган олти исм:

ота – أَبُو

ака – أَخُو

қайнота – حَمُو

аврат – هَنُو

оғиз – فُو

эга – دُو

Буларни "асмой ситта мўъталла" яъни, олти иллатли исмлар, деб номланади.

Мансуб исм – ўзида насб аломати бўлган исмдир.

Насб аломати тўрттадир: "Фатҳа", "касра", "алиф", "йо".

Фатҳа – бирлик исм ва синиқ кўпликда насб аломатидир.

عَلَّمْتُ طَالِبًا وَطَالِبَةً каби.

Маъноси: Талаба бола ва талаба қизга ўргатдим.

Касра – жамъ муаннас солимда насб аломатидир.

عَلَّمْتُ طَالِبَاتٍ каби.

Алиф – охири иллат ҳарфи бўлган олти исмларда насб аломатидир.

عَلَّمْتُ أَبَا بَكْرٍ، أَكْرَمْتُ أَخَاهُ، لَا تَفْتَحْ فَأَكْ

Йо – иккиликда ва уларга таъкид бўладиганларда ҳамда жамъ музаккари солимда ва бунга таъкид бўладиганларда насб аломатидир.

قَرَأْتُ كِتَابَيْنِ كِلَيْهِمَا، عَلَّمْتُ طَالِبَيْنِ وَكَانُوا عِشْرِينَ أُولَى فَهَمَّ

Исми мажрур – ўзида жар аломати бўлган исмдир.

Жар аломати учтадир: "касра", "йо", "фатҳа".

Касра бирлик исмда, синиқ жамъда ва жамъ муаннас солимда жар аломатидир.

تَعَلَّمْتُ بِطَالِبٍ وَطَلَبَةٍ وَطَالِبَاتٍ

"Йо" насбга аломат бўлган ўринларнинг хаммасида ҳамда охирлари иллат ҳарф бўлган олти исмда жарга аломатдир.

تَعَلَّمْتُ بِطَالِبَيْنِ كِلَيْهِمَا

قَرَأْتُ بِطَالِبَيْنِ

جَلَسْتُ بِعِشْرِينَ طَالِبًا أُولَى فَهَمَّ

خَرَجْتُ بِأَبِي بَكْرٍ

Фатҳа – ғойри мунсарифда жар аломатидир.

مَرَرْتُ بِأَحْمَدَ

Ғойри мунсариф – ўзида тўққиз сабабдан икки сабаб ёки икки ўринда турувчи бир сабаб бўлган исмдир.

Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ғойри мунсариф марфуъ ва мансуб ҳолда бўлиб, мажрур ҳолида ҳам мансуб ўқиладиган ва касрани ҳам танвинни ҳам қабул қилмайдиган исмдир.

Тўққиз сабаб: Адл, васф, таънис, маърифа, ъужма, жамъ, таркиб, алиф ва нунни зоида бўлиши, феъл вазни.

Буларнинг ичида жамъ ва таъниснинг баъзилари икки сабаб ўрнига турувчи бир сабабдир.

Адл – исмнинг асл сийғасидан чиқиб, ҳеч бир қоидасиз бошқа бир сийғага киришидир.

أَحَادٌ кабики, аслида واحد واحد дир.

Бундан чиқиб أَحَادٌ сийғасига кирмоқда. Бу ҳеч бир қоида билан эмас. مَوْحَدٌ кабики, бу ҳам аслида واحد واحد дир.

ثَنَاءٌ ثَنَاءٌ иккита иккита.

ثَلَاثٌ ثَلَاثٌ учта учта.

رُبَاعٌ رُبَاعٌ тўртта тўртта.

خَمْسٌ خَمْسٌ бешта бешта.

سُدَّاسٌ سُدَّاسٌ олтита олтита.

سَبْعٌ سَبْعٌ еттита еттита.

ثَمَانٌ ثَمَانٌ саккизта саккизта.

تِسْعٌ تِسْعٌ тўққизта тўққизта.

عُشْرٌ عُشْرٌ ўнта ўнта.

Буларнинг ҳаммасида адл ҳақиқий бордир.

Адл ҳақиқий – ҳақиқатда бор бўлган бир асл сийғадан чиққанга айтилади.

أَحَادٌ сўзи وَاحِدٌ وَاحِدٌ дан чиққандир.

Адл тақдирий – ҳақиқатда асл сийғаси йўқ, лекин наҳв олими асл деб ўйлаган ва тақдир қилган бир сийғадан чиққан нарсадир. Бу адл فَعْلٌ вазнида бўлган исмларда бўлур. عَمْرٌ، زَفْرٌ каби. Буларни наҳв олимлари زَاوِرٌ، عَامِرٌ дан чиққан деб ўйлашган.

بُلْعٌ، فُرْحٌ، مُضَرٌّ، هَبْلٌ، نُعْلٌ، حُجْبَى، جُشَمٌ، جُمُحٌ، دُلْفٌ، رُحْلٌ، عَصَمٌ، قُتْمٌ، هُدْلٌ

лафзларида тақдирий адл бордир.

Васф – зоти ноаниқ бўлиб, сифатларининг баъзиси ила билинган исмдир. **أَعْمَرَ** каби. Маноси: қизил нарса. Буни нима нарса экани билинмас. У қорами, оқми, сариқми? Мана шулар эмаслиги маълумдир. Сифатларнинг баъзиси билан билинган. Васфнинг ғойри мунсарифга сабалиги шарти асл маънода бўлмоғидир. Агар асл маънода васфлиги бўлмаса, истеъмолдан келган васфлик билан исм ғойри мунсариф бўлмас. **أَزَيْعَ** каби.

Бунда васфлик бўлсада, асл маънода эмас, балки истеъмолдагина келур, шунинг учун **أَزَيْعَ** ғойри мунсариф эмас.

Таънис икки турлидир.

1. Таънис лафзий.
2. Таънис маънавий.

Таънис лафзий – лафзда таънис аломати бўлган исмдир.

Таънис аломати учтадир.

1. Тои марбута. **النَّدَامَةُ، العَجَلَةُ، ثَمَرَةٌ، فَاطِمَةٌ، نِعْمَةٌ، رَحْمَةٌ** каби.
2. Алиф мақсура. **دُنْيَا، حُبْلَى، ذِكْرَى** каби.
3. Алиф мамдуда. **حَضْرَاءُ، صَحْرَاءُ، حَمْرَاءُ، تَيْمَاءُ** каби.

Охирида алифи мақсура ёки алифи мамдуда бор исмлар ҳамма вақт ғойри мунсариф бўлади. Бундаги таънис бир ўзида икки сабаб ўрнига туради.

Таъниси маънавий лафзда таънис аломати бўлмаган муаннас исмлардир. Бу исмлар ҳақиқатда муаннасга исм бўлишса "муаннаси ҳақиқий", дейилади. **مَرْيَمُ، زَيْنَبُ** каби.

Араблардан эшитилиши орқали муаннас бўлса "муаннаси самоъий", дейилади. **أَرْضُ، جَهَنَّمُ، سَفَرُ** каби.

Таънис лафзининг тои марбута билан бўлганларининг ғойри мунсарифга сабаб бўлишида шу исмнинг бир нарсага алам бўлиши шартдир. Муаннас маънавий бўлган исмда алам бўлишидан ташқари уч ҳарфдан ортиқ бўлиши шартдир. Агар уч ҳарфли бўлса, ўртаси ҳаракатли бўлиши ҳам шартдир. زَيْنَبُ، سَفَرٌ каби.

Маърифа белгили ва атоқли бир нарсага далолат қилган исмдир. Маърифанинг етти тури бордир.

1. Музмар (Замирли) – كِتَابُهُ.
2. Алам (Атоқли) – مُحَمَّدٌ.
3. Ал артикли кирган исм – الْمُعَلِّمُ.
4. Исми ишора – هَذَا.
5. Исми мавсул – الَّذِي.
6. Буларнинг бирига изофа бўлган исм قَلَمُ التَّلْمِيذِ.
7. Мунодо – يَا عَبْدَ اللَّهِ.

Ужма – арабчадан бошқа бўлган халқларнинг сўзлари бўлиб, у сўзларни араблар ҳам истеъмолга киритганидир. قَالَونَ إِبْرَاهِيمَ، إِسْكَندَرُ، قَالَونَ каби.

Бу исмлар арабча сўзлардан эмас, лекин араблар ўз сўзлари орасида истеъмол қилганлар.

Буни ғойри мунсарифга сабаб бўлиши учун икки шарт бордир.

Биринчи шarti, ажамдалик вақтида алам бўлмоғи керак. إِبْرَاهِيمُ каби.

Ёки араб тилига кўчирилганда у алам қилиб истеъмол қилинишидир. قَالَونَ каби.

Иккинчи шarti уч ҳарфдан ортиқ бўлмоғи. إِبْرَاهِيمُ каби.

Агар уч ҳарфлигина бўлса, ўртаси ҳаракатли бўлмоғидир.  
شَتْرَ каби.

Жамъ сийғаси иккидан ортиқ бўлган нарсага далолат қилган исмдир. Бунинг ғойри мунсарифга сабаб бўлиши учун охирида тои марбутасиз бўлган мунтаҳал жумуъ сийғаси бўлиши шартдир.

Мунтаҳал жумуъ сийғаси аввалги ҳарф фатҳали, учинчи ҳарфи алиф бўлиб, бундан сўнг икки ҳарф ёки ўртаси сокинли бўлган уч ҳарфи бор сийғадир.

مَسَاجِدَ، مَصَابِيحَ каби.

Таркиб икки ёки уч лафздан қўшилиб, бир калима ҳукмида қилинган исмдир.

Таркибнинг олти тури бордир.

1. Иснодий: زَيْدٌ قَائِمٌ каби.
2. Изофий: عَبْدُ اللَّهِ каби.
3. Тавсифий: زَيْدٌ الْعَالِمُ каби.
4. Таъдодий: خَمْسَةَ عَشَرَ каби.
5. Савтий: سَيِّوِيَه каби.
6. Музжиййу: بَعْلَبَكَّ каби.

Бу олтитанинг ичида ғойри мунсарифга сабаб бўлгани энг охирида келгани "музжиййу" дир.

Таркибу музжиййининг ғойри мунсарифга сабаб бўлмоғида бир жузъи ҳарф бўлмаслик шартдир.

بَعْلَبَكَّ، حَضْرَمَوْت каби.

Буларнинг аввалгиси بَعْل сўзи بَكَّ сўзи билан қўшилиб, бир шаҳарга алам бўлган.

Иккинчиси *حَضَرَ* билан *مَوْت* сўзи қўшилиб, бир шаҳарга алам бўлиб қолган.

Агар бир жузъи ҳарф бўлса, таркиби музжий бўлса-да, ғойри мунсариф бўлмас. *النَّجْمُ بِصُرِيِّ* каби.

*ي* жузъида сўзида сўнги жузъи *ي* ҳарфидир. Шунинг учун булар ғойри мунсариф эмас.

Алиф ва нун исмнинг охирига орттирилган ҳарфлардир. Ғойри мунсарифга сабаб бўлишида булар муштак бўлган исмда бўлса, у исмнинг муаннаси *فُعْلَانَةٌ* вазнида келмаслик шартдир. *سَكْرَانَ* каби. (Маъноси: маст киши). Бунинг муаннаси *سَكْرَانَةٌ* келмаган, балки, *سَكْرَى* келган. (Маъноси: маст аёл)

Агар алиф нун муштак исмларда бўлса, у исм алам бўлиши шартдир. *عُمَرَانَ، عُمَرَانَ* каби.

Вазнул феъл – феъл вазнида бўлган исмдир. Бунинг ғойри мунсарифга сабаб бўлишида феълга хос бўлган вазнларда бўлмоғи шартдир.

Ўша вазнлар: *فُعِلَ، فَعَّلَ* вазнларидир. *ضُرِبَ، شَمَّرَ* каби.

Ёки феъли музореъ вазнида бўлиб, охирига тои таънис қабул этмаслигидир.

*يَزِيدُ، يَشْكُرُ، يَنْبُعُ، أَحْمَرُ* каби.

Бу исмлар охирига тои таънисни қабул қилмайди. Яъни *يَزِيدُهُ، يَشْكُرُهُ* дейилмайди.

Ғойри мунсариф касра билан танвинни қабул этмайди. Лекин бир исмга музоф бўлса ёки аввалига алиф ва лом кирса, ана шу вақтда касрани ҳам қабул этаверади. *مَرَزْتُ بِأَحْمَدِكُمْ، وَبِالْأَحْمَرِ* каби.

Ёки шеърда зарурат туғилса, танвинни қабул қилаверади.

صَبَّتْ عَلَيَّ مَصَائِبُ لَوْ أَنَّهَا \* صَبَّتْ عَلَى الْأَيَّامِ صِرْنَ لَيَالِيًا

Бу шеърдаги مَصَائِبُ каби.

Бунда ғойри мунсариф бўлса ҳам зарурат юзасидан танвин кираверди. Ёки мунсариф исмга муносиб бўлиши учун ғойри мунсариф ҳам танвинни қабул этади. Аллоҳнинг сўзида سَلَا سَلَا سَلَا даги وَأَغْلَالًا ўзидан сўнг келган أَغْلَالًا сўзига муносиб бўлиши учун танвинни қабул қилган.

Танвин – мунсариф исмларнинг охирида ишлатиладиган сокинли нундир. Ўзида аламлик таъсир қилган ғойри мунсариф исмдан муайян бўлмаган маъно қасд қилинса, у исм ғойри мунсарифликда қолмайди, балки, мунсариф бўлади.

أَحْمَدُ مَا каби. (Маъноси: Қайсидир Аҳмад)

لِكُلِّ فِرْعَوْنَ مُوسَى каби. (Маъноси: Ҳар бир Фиръавнга бир Мусо).

Бу икки мисолдаги أَحْمَدُ ва فِرْعَوْنَ сўзларидан муайян бўлмаган маъно қасд қилинган мунсариф бўлиб, танвинни ҳам қабул қилган.

Мунсариф – ғойри мунсарифдан бошқача бўлиб, уч ҳаракат ва танвинни қабул этадиган исмдир.

## МАРФУЪОТ

Марфуъот – ўзида рафъ аломати бўлган калималардир. Улар ўн қисм бўлиб, ушбулардир.

1. Фоил.



2. Ноиби фоил.
3. Мубтадо.
4. Хабар.
5. Ҳуруфу мушаббаҳа билфеълнинг хабари.
6. Афъоли ноқисанинг исми.
7. Афъоли муқорабанинг исми.
8. لَيْسَ га ўхшаш لَأَ ларнинг исми.
9. Нафий жинс бўлган لَ нинг хабари.
10. Буларга тобеъ бўлганлар.

Фоил – ўзининг олдига маълум феъл ёки шибҳ феъл иснод қилинган исмдир.

أَبُوهُ بِيَانٌ غَارِفٌ жумлаларидаги غَارِفٌ билан أَبُوهُ каби.

Буларда غَارِفٌ га عَلِمَ феъли ва أَبُوهُ га بِيَانٌ шибҳ феъл иснод қилинган.

Фоил музаккар бўлса, унга иснод қилинган феъл ҳам музаккар бўлиши керак. قَالَ مُوسَى каби.

Фоил муаннас бўлса, унга иснод қилинган феъл ҳам муаннас бўлиши керак. قَالَتْ مَرْيَمُ каби.

Фоил тасния ва жамъ бўлса, буларга иснод қилинган феъллар фоилдан олдин зикр қилинса, муфрад бўлиши керак.

قَالَ الْمُعَلِّمَانِ، قَالَ الْمُعَلِّمُونَ، قَالَتْ امْرَأَاتَانِ، وَقَالَتْ نِسْوَةٌ

Аммо феъллар фоилдан кейин зикр қилинса, феъл фоилга тасниялик ва жамъда мослашади.

قَالُوا الْمُعَلِّمَانِ قَالَا، الْمُعَلِّمُونَ قَالُوا

Шибҳ феъл ушбулардир: Исми фоил, исми мафъул, сифати мушаббаҳа, масдар, исми тафзил, исм феъллар, зарфи мустақар, нисбат исм.

Буларнинг ичидан исми мафъул билан нисбат исм фоилга иснод қилинмасдан балки ноибни фоилга иснод қилинади.

Исм феъллар – феъл маъносида бўлган исмлардир. Булар уч турлидир.

Мозий маъносида бўладигани – بَطَّانَ (нақадар секин) سَرْعَانَ (нақадар тез) شَتَّانَ (нақадар фарқли) هَيْهَاتَ (йироқ бўлди).

Музореъ маъносида бўладигани – آه () زه () каби.

Амр маъносида бўладигани – حَذَارٍ () تَرَكَ () عَلَيْكَ () دُونَكَ () بَلَّهَ () .

Зарфи мустақар – فِي الدَّارِ دَغَانْدَاغِي زَيْدٌ فِي الدَّارِ каби.

Мансуб (нисбат берилган исм) – бир нарсага нисбат қилингани билдириш учун охирига ташдидли ي تуташиган исмдир. قَزَائِي قозон шахрилиқ каби.

Унга قَزَائِي нисбат иснод қилинган. مَرَزَتْ بِرَجُلٍ قَزَائِيٍّ أَسْتَاذُهُ сўзида أَسْتَاذُهُ ноибни фоилдир.

Маъноси: Устози Қозонлик бўлган кишининг ёнидан ўтдим.

Ноибни фоил – ўзидан олдин мажхул феъл ёки исми мафъул ёки нисбат исм иснод қилинган исмдир. ضَرِبَ زَيْدٌ، بَكَرَ مَبِيعٌ ضَرِبَ زَيْدٌ، خَالِدٌ بَغْدَادِيٌّ ثَوْبُهُ دَارُهُ، каби.

Жумлалардаги زَيْدٌ، دَارُهُ، ثَوْبُهُ каби.

بَغْدَادِيٌّ га ثَوْبُهُ исми мафъул, مَبِيعٌ га دَارُهُ мажхул феъл, زَيْدٌ га ضَرِبَ нисбат исм иснод қилингандир.

Мубтадо – ўзини бир нарса билан ҳукм қилинган, лафзи омилидан алоҳида бўлган исмдир. **عَالَمٌ** кабики, бунга **عَالَمٌ** билан ҳукм қилинган, ҳамда **مَحْمُودٌ** га амал қилган лафзи омил йўқдир.

Хабар – ўзи билан ҳукм қилинган лафздир. **قَائِمٌ** даги **زَيْدٌ قَائِمٌ** каби.

Хабар муфрад бўлиши мумкин: **حَقٌّ** **الْقُرْآنُ** каби.

Хабар жумлаи исмийяда бўлиши мумкин:

**الْكَسَلُ عَاقِبَتُهُ الْفَقْرُ** каби.

Маъноси: Дангасаликнинг оқибати камбағалликдир.

Бунда **عَاقِبَتُهُ الْفَقْرُ** жумласи **الْكَسَلُ** сўзига хабардир.

Хабар жумлаи феълийя бўлиши мумкин:

**الظُّلْمُ يَرْجِعُ إِلَى صَاحِبِهِ**

Маъноси: Зулм ўз эгасига қайтади.

Хабар шибҳ жумлада бўлиши мумкин:

**مِنَ الْبَلَاءِ** **مِنَ اللِّسَانِ** каби.

Маъноси: Бало тилдандир.

Бунда шибҳ жумла **مِنَ اللِّسَانِ** дир.

Мубтадонинг асли маърифа бўлишидир. Хабар эса, накра бўлишидир. Гоҳида ҳар иккиси ҳам маърифа келур. **اللَّهُ إِهْنَا وَمُحَمَّدٌ** **نَبِينَا** каби.

Агар калом мухотабга бир фоидани билдирса, мубтадонинг накра бўлиши жоиздир.

**سَلَامٌ عَلَيْكُمْ** (Сизга салом бўлсин)

**كَوْكَبٌ انْقَضَ السَّاعَةُ** (Юлдуз ҳозиргина тушди)

**وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ** (Ўлчаганда уриб қолувчиларга вайл бўлсин!)

Бу уч мисолда калом мухотабга фойда бергани учун، *سَلَامٌ* Буларнинг ҳар қайсиси накра бўлса ҳам мубтадо бўлганлар. Аслида мубтадо хабардан олдин келишидир. Ҳозирги ўқилган мисолларда ҳар қайсисида мубтадо олдин келган. Баъзи вақтларда мубтадо кейин келади. *لِلَّهِ الْحَمْدُ* каби. Барча мақтовлар Аллоҳ учундир. Бунда мубтадо бўлган *الْحَمْدُ* сўзи кейин келган.

Мубтадодан сўнг келган ўринлардан баъзиси мадҳ (мақтов) ёки зам (ёмонлаш) феълларининг мубтадоларидир.

*نِعْمَ الْإِمَامُ أَبُو حَنِيفَةَ، بِئْسَ الْمَلِكُ يَزِيدُ*

Абу Ҳанифа мунча ҳам яхши имом.

Язид мунча ҳам ёмон подшоҳ.

Бу мисоллардаги *يَزِيدُ* *أَبُو حَنِيفَةَ* сўзларидан кейин келганлари мубтадолардир. Хабарлари ўзларидан олдинги жумлалардир.

Мадҳ ва зам феъллари тўрттадир.

*حَبَدًا* мадҳ учун، *بِئْسَ* эса зам учун ишлатилади.

Ҳуруфу мушаббаҳа билфеълнинг хабари:

Ҳуруфу мушаббаҳа билфеъл олти ҳарфдир.

*إِنَّ، أَنْ، كَأَنَّ، لَكِنَّ، لَيْتَ، لَعَلَّ* дир.

Бу ҳарфлар ҳар вақт мубтадо ва хабарга кириб, булар киргандан сўнг мубтадо ва хабар олдинги ҳолатида қолмайди. Балки, бу ҳарфлар мубтадони насб қилиб, уни исми дейилади. Хабарни рафъ қилиб, уни хабари дейилади.

*إِنَّ، أَنْ* таҳқиқ маъносини англатиш учундир.

*إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ* (Зайд аниқ тик тургандир).

*عَلِمْتُ أَنَّ عَمْرًا فَاضِلٌ* (Билишимча, Амр аниқ фазилатлидир).

*كَأَنَّ* ташбеҳ ва ўхшатиш учундир.

كَأَنَّ بَكْرًا أَسَدٌ Бакр гўёки шер кабидир.

لَكِنَّ Олдиндаги ҳукмга муҳолиф бўлган ҳукмни исботи учундир.

مَا جَاءَنِي زَيْدٌ وَلَكِنَّ عَمْرًا حَاضِرٌ

(Ҳузуримга Зайд келмади лекин Амр ҳозир бўлди)

لَيْتَ бир нарсани бўлишини умид этиш учундир.

لَيْتَ زَيْدًا طَائِرٌ (Кошки Зайд қуш бўлса эди)

لَعَلَّ Бу ҳам бир ишнинг бўлишини умид этиш учундир. لَيْتَ нинг лَعَلَّ дан фарқи шуки, лَيْتَ бўлиши маҳол ишда кўпроқ истемол қилинади. لَعَلَّ эса, бўлиши мумкин ишга хосдир.

لَعَلَّ السَّاعَةَ قَرِيبٌ (Шояд Қиёмат яқиндир).

### Афъоли ноқисанинг исми

Афъоли ноқиса 13 та феълдир:

كَانَ، أَصْبَحَ، أَضْحَى، ظَلَّ، بَاتَ، أَمْسَى، مَازَالَ، مَا بَرِحَ، مَا انْفَكَّ، مَا فَتِيَءَ، مَا دَامَ، صَارَ، لَيْسَ.

Бу ноқис феъллар мубтадо билан хабарга кириб, мубтадони рафъ қилади, хабарни насб қилади. Мубтадони исми, дейилади. Хабарни хабари, дейилади.

كَانَ (бўлди) — كَانَ زَيْدٌ عَالِمًا

Зайд олим бўлди.

صَارَ (айланди) — صَارَ الْمَاءُ هَوَاءً

Сув ҳавога айланди.

(أَصْبَحَ – эрталаб бўлди) – أَصْبَحَ زَيْدٌ ذَاهِبًا

Зайд эрталаб кетувчи бўлди.

(أَمْسَى – кечқурун бўлди) – أَمْسَى زَيْدٌ مَرِيضًا

Зайд кечқурун касал бўлди.

(أَضْحَى – чошгоҳ вақтида бўлди) – أَضْحَى زَيْدٌ قَارِئًا لِلْقُرْآنِ

Зайд чошгоҳ вақтида Қуръон уқувчи бўлди.

(ظَلَّ – кун бўйи давом этди) – ظَلَّ زَيْدٌ مَاشِيًا

Зайд кун бўйи юришда давом этди.

(بَاتَ – тун буйи давом этди) – بَاتَ زَيْدٌ نَائِمًا

Зайд тун бўйи ухлашда давом этди.

(مَا بَرِحَ، مَا زَالَ، مَا فَتِيَ، مَا انْفَلَكَ) – узлуксиз давом этди)

مَا انْفَلَكَ زَيْدٌ مُعَلِّمًا

Зайд узлуксиз ўқитувчиликда давом этди.

(مَا دَامَ – модомики) – أَتَعَلَّمَ مَا دَامَ أَبِي حَيًّا

Модомики, отам ҳаёт экан, ўқишни давом эттираман.

– لَيْسَ – لَيْسَ زَيْدٌ بِخِيَالٍ

Зайд бахил эмас.

Афъоли ноқиса иштиқоқ эътибори ила тасриф қилинишда уч турлидир:

Бир қисми ҳеч тасриф қилинмайди.

У  $لَيْسَ$  феълидир. Бунда масдар, музореъ, амр, исми фоил каби бошқа муштакқалар келмаган.

Иккинчи қисми ноқис сарф этилади.

Улар:  $مَا زَالَ$ ,  $مَا فَتَى$ ,  $مَا بَرِحَ$  дир. Буларда ҳам амр ва масдарлар бўлмайди. Қолган афъоли ноқисаларда барча муштакқалар сарф этилади.

### Афъолу муқорабанинг исми

Афъолу муқораба етти феълдир:

$عَسَى$ ,  $كَادَ$ ,  $كَرِبَ$ ,  $أَوْشَكَ$ ,  $طَفِقَ$ ,  $جَعَلَ$ ,  $أَخَذَ$

Булар хабари феъли музореъ бўлган жумлаи исмийяга кириб, мубтадони рафъ қилади, ўзи исми бўлади. Ҳамда феъли музореъни маҳаллида насб қилиб, ўзини хабар қилади.

Бу феъллар ҳар қайсиси хабарини яқин қилишини англатади.

$عَسَى$  – умид яқин эканини билдиради.

$كَادَ$  – ҳақиқатда яқинлигини билдиради.

$عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ$  – Зайднинг чиқишига оз қолди.

$كَادَ زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ$  – Яқинда Зайд чиқади.

$عَسَى$  каби истеъмол қилинади.

Қолган афъолу муқорабалар хабарни "бўла бошлади", деган маъносини билдиради.

$طَفِقَ زَيْدٌ يَخْرُجَ$  (Зайд чиқишни бошлади)

جَعَلَ زَيْدٌ يَأْخُذُ رَأْسَ أَخِيهِ (Зайд биродарининг бошини ушлай бошлади).

### ما، لا нинг исми га ўхшаган

ما ва لا ҳарфлари хабарни исмидан инкор қилишда га ўхшашдир.

Булар ҳам мубтадо ва хабарга кириб, мубтадони рафъ қилади ва ўзи исми бўлади. Хабарни насб қилиб, ўзи хабар бўлади.

ما زَيْدٌ قَائِمًا وَلَا رَجُلٌ حَاضِرًا каби.

### Нафий жинс учун бўлган لا нинг хабари

Жинсни инкор қилиш учун келган لا ни "لا تَبْرئة" дейилади. Бу мубтадо билан хабарга кириб, мубтадони насб ва хабарни рафъ қилади.

Мубтадо ва хабарни, لا нинг исми ва хабари деб айтилади.

لا صَاحِبَ جُودٍ مَبْعُوضٌ (Ғазаб қилинган бирор сахий кимса йўқ).

## МАНСУБОТ



Ўзида насб аломати бўлган калималардир. Улар ўн қисмдир.

Мафъуллар, ҳол, тамйиз, мустасно, ҳуруфу мушаббаҳа билфеълнинг исми, афъолу ноқисанинг хабари, афъолу муқорабанинг хабари, ما، لا га ўхшаган ليس нинг хабари, нафий жинс учун бўлган لا нинг исми ва буларга тобеъ бўлганлар мансубдир.

## Мафъуллар

Мафъуллар беш турлидир:

1. Мафъулум мутлақ.
2. Мафъулум бих.
3. Мафъулун фийҳ.
4. Мафъулун лаҳ (лиажлиҳи).
5. Мафъулум маъаҳ.

## Мафъулум мутлақ

Мафъулум мутлақ ўзидан олдин келган феълга ёки шибҳи феълга маънода бир бўлган масдардир.

ضَرَبْتُ ضَرْبًا каби. (Бир уришди уни урдим)

جُلُوسًا ва ضَرْبًا (бир ўтиришда ўтирдим), дегандаги فَعَدْتُ جُلُوسًا каби.

Буларнинг биринчиси олдиндаги феълга лафзда ва маънода бирдир. Иккинчиси эса, маънодагина бирдир.

Мафъулум мутлақ ишнинг неча марта бажарилганини билдирса, адад учун бўлган мафъулум мутлақдир.

ضَرَبْتُ ضَرْبَةً (бир марта урдим)

ضَرَبْتُ ضَرْبَتَيْنِ (икки марта урдим)

ضَرَبْتُ ضَرْبَاتٍ (кўп марта урдим),

дегандаги ضَرْبَاتٍ، ضَرْبَتَيْنِ، ضَرْبَةً каби.

Мафъулум мутлақ ишнинг турини билдирса, навъи учун бўлган мафъулум мутлақдир.

ضَرَبْتُ ضَرْبَةً (Бир турли уриш билан урдим)

جَلَسَ فَاتِحٌ جُلُوسَ الْقَاضِي (Фотих қози ўтириши каби ўтирди)

дегандаги جُلُوسَ الْقَاضِي ва ضَرْبَةً каби.

Агар мафъулум мутлақ бу иккиси учун бўлмаса, таъкид учун бўлган мафъулум мутлақдир.

ضَرَبْتُ ضَرْبًا.

## Мафъулум бих

Унинг устига феъл ёки шибҳ феъл тушган нарсанинг исмидир.

قَطَطْتُ الْقَلَمَ каби. (Қалам орқали кесдим)

Бунда қаламга кесиш феъли тушгани учун мафъулум бих бўлган. Бу каби мафъулум бихлиги ошкора бўлганларига "Мафъулум бих сорих", дейилади.

ضَرَبْتُ زَيْدًا، أَكْرَمْتُ عَمْرًا дегандаги каби.

Баъзи вақтда мафъулум бих жар ҳарфи воситасида бўлади. Уни "Мафъулум бих ғойра сорих", дейилади.

كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ (қалам ёрдамида ёздим).

Бундаги القلم сўзи ҳарф жар бўлган ب сабабли лафзда мажрур бўлсада, маҳалда мансуб бўлиб, мафъулум бих ғойри сорихдир.

Мафъулум бихни феълини маҳзуф қилмоқ жоиздир. Феълни ҳафз қилингани аломат бўлишида ҳаж сафарига ҳозирланган кишига مَكَّة дейилганидек ва ўқни нишонга тизиб, отадиган кишига القرطاس дейилгани каби.

تُرِيدُ مَكَّةَ (Маккани хоҳлайсан)

نُصِيبُ الْقِرْطَاسَ (Нишонга тўғрилайсан)

Буларнинг остида تُصِيبُ، تُرِيدُ феъллари ҳазф қилингандир.

Баъзи вақтларда мафъулум бихнинг феълини ҳазф қилиш шарт бўлади. Бунда феълнинг ўрнига эваз келтирилади.

يَا عِبْدَ اللَّهِ، يَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ

Булар аслида: أَنَادِي عِبْدَ اللَّهِ ва أَنَادِي خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ бўлган.

Булардан أَنَادِي феъли маҳзуф қилиниб, унинг ўрнига يَا эваз қилинган.

Бундай мафъулум бихларга "мунодо" ва олдиндаги يَا га "ҳарфи нидо", деб айтилади.

"Афъолу қулуб"нинг мафъуллари мафъулум бихдандир.

Афъолул қулуб ушбу 12 феълдир:

عَلِمَ – билди

رَأَى – кўрди

وَجَدَ – топди

دَرَى – билди

حَسِبَ – ўйлади

أَلْفَى – йўлиқди

عَدَّ – санади

خَالَ – хаёл қилди

ظَنَّ – гумон қилди

زَعَمَ – билган бўлди

هَبَّ – фараз қил

تَعَلَّمَ – таълим ол

Бу феъллар фоиллари зикр қилингандан сўнг мубтадо ва хабарга кириб, ҳар иккисини мафъуллиги учун насб қилади.

عَلِمْتُ زَيْدًا فَاضِلًا (Зайднинг фазилатли эканини билдим)

رَأَيْتُ اللَّهَ أَكْبَرَ كُلِّ شَيْءٍ (Аллоҳни барча нарсадан улуғ эканини кўрдим)

ظَنَنْتُ الْخُلَاصَ سَهْلًا (Халос бўлишни енгил деб ўйладим)

تَعَلَّمْتُ شِفَاءَ النَّفْسِ فَهَرُ عَدُوَّهَا (Душманнинг қаҳри нафс шифоси эканини таълим ол).

Ва яна таажжуб феълларининг мафъуллари мафъулум бихдир.

Таажжуб икки сийға орқали билинади.

Улар: أَفْعَلٌ، أَفْعَلٌ

Афْعَلٌ билан таажжуб қилинганда унинг олдига مَا келтириб таажжуб қилинади ва ўша лафзни мансуб этилади.

مَا أَجْمَلُ الْحَدِيقَةِ (Мунча ҳам кўркам боғча)

Афْعَلٌ билан таажжуб қилинганда таажжуб қилинган лафзга жар бўлган بَا ни киргизиб, шу лафзни мажрур қилинади. أَجْمَلٌ بِالْحَدِيقَةِ каби.

(Маъноси: Боғчанинг гўзаллиги билан ҳайрон қол)

Таажжуб қилинган лафз бир марта зикр қилинган бўлса, таажжуб вақтида уни замир қилиб келтириш дурустдир.

каби. أَجْمَلٌ بِهِ ةكى دَخَلْتُ الْحَدِيْقَةَ مَا أَجْمَلُهُ

## Мафъулун фийх

Мафъулун фийх – феъл ёки шибх феълнинг бўлган пайти ёки маконини билдирадиган исмдир.

جِئْتُ الْآنَ (ҳозир келдим)

وَقُمتُ أَمَامَكَ (олдингда турдим)

Замон ва маконга далолат қилган лафзларга "Зарф" дейилади.

Бу ерда الْآنَ лафзи зарфи замон, أَمَامَكَ лафзи зарфи макондир.

## Мафъулун лах (лиажлиҳи)

Мафъулун лах – феълнинг нима учун ишланганини билдирадиган исмдир.

каби. ضَرَبْتُ زَيْدًا تَأْدِيًّا لَهُ

(Маъноси: Зайдни одоб бериш учун урдим)

جِئْتُكَ لِلتَّعْلَمِ (Хузурингга ўрганиш учун келдим).

حَجَّ النَّاسُ طَلْبًا لِمَرْضَاةِ اللَّهِ (Аллоҳ розилигини талаб қилиш учун одамлар ҳаж қилди).

## Мафъулум маъах

Феъл ёки шибх феълдан сўнг مع (бирга) маъносида бўлган "вов" билан бирга келган исмдир.

مَا صَنَعْتَ وَأَبَاكَ (отанг билан бирга нима иш қилдинг)

مَا شَأْنُكَ وَزَيْدًا (Зайд билан бирга нима ишинг бор)

## Ҳол

Ҳол – фоил ва мафъулдан бирининг ёки ҳар иккисининг қандай ҳолда эканини баён этувчи лафздир.

لَقِيتُ رَاكِبًا زَيْدًا (улов минган ҳолимда Зайдга йўликдим)

لَقِيتُ زَيْدًا رَاكِبًا (Зайдга улов минган ҳолида йўликдим)

لَقِيتُ زَيْدًا رَاكِبَيْنِ (Зайдга ҳар иккимиз улов минган ҳолда йўликдик)

Ҳол кимни баён қилса, уни "зулҳол", дейилур.

Биринчи мисолда "гапирувчи" зулҳол, иккинчи мисолда "Зайд" зулҳол ва учинчи мисолда "ҳар иккимиз" зулҳолдир.

Ҳол зулҳолдан кейин келиши керак. Гоҳида аввал ҳам келади.

كأبي جاء زيدا

Ҳолнинг ҳаққи накра бўлмоқ, зулҳолнинг ҳаққи эса, маърифа бўлмоқдир.

Ҳолнинг зулҳолдан муқаддам бўлсада зулҳолнинг накра бўлиши дурустдир.

كأبي جاءني راكبا رجلا

Маъноси: Бир киши менга улов минган ҳолда келди.

Ҳол гоҳида жумла бўлиб ҳам келади.

رَكِبْتُ السَّفِينَةَ وَالرِّيحَ عَاصِفَةً

Маъноси: Шамол эсган ҳолида кемага миндим.

وَجَاءُوا آبَاءَهُمْ عِشَاءً يَبْكُونَ

Маъноси: Оталари ҳузурига кечки пайт йиғлаб келдилар.

دَخَلْتُ الْبَلَدَ وَقَدْ طَلَعَتِ الشَّمْسُ

Маъноси: Шаҳарга куёш чиққанида кирдим.

## Тамйиз

Муфрад ёки жумлада бўлган ноаниқликни кетказувчи исмдир

Муфраддаги ноаниқликни кеткизувчига мисол:

عِنْدِي رَأْفُودٌ خَلَاءً

(Маъноси: Ҳузуримда бир катта кўзада сирка бор)

أَحَدَ عَشَرَ رَجُلًا

(Ўн бир киши)

كَمْ دِرْهَمًا مَالِكٌ

(Қанча дирҳам молинг бор)

Жумладаги ноаниқликни кеткизувчига мисол:

أَنَا أَكْثَرُ مِنْكَ مَالًا

(Мен сендан мол жиҳатидан кўп бўлган кишиман)

Аввалги уч мисолдаги *كَمْ*, *أَحَدَ عَشَرَ*, *رَأْفُودٌ* сўзларида ноаниқлик бор эди. Зеро кўза, ўн бир ва қанчани билиш имкони йўқ эди. У кўзадаги сувми, сирками ёки бошқа нарсами? Шунингдек ўн бир эркакми, аёлми? Қанча қадар дейилганда ҳам сўралган нарса ноаниқ эди.

Энди бу ерда **خَالًا**، **رَجُلًا**، **دِرْهَمًا** сўзлари ноаниқликни кетказди.

жумласида ҳам ноаниқлик бор эди. "Мен сендан кўпроқ!" деганда мол-дунё биланми? Ёки фарзанд биланми? Ёки куч биланми? Ёки бошқа нарса биланми? билиб бўлмас эди. Бу ерга **مَالًا** сўзини киритиш билан ноаниқлик бартараф бўлди.

**خَالًا**، **رَجُلًا**، **دِرْهَمًا**، **مَالًا** сўзлари тамйиз бўлгани учун мансуб бўлди.

га қадар бўлган сонларнинг **تِسْعَةً** **وَتِسْعُونَ** дан бошлаб **أَحَدَ عَشَرَ** тамйизлари мансуб бўлади.

إِحْدَى عَشْرَةَ طَالِبَةً	(11) أَحَدَ عَشَرَ طَالِبًا
إِثْنَتَا عَشْرَةَ طَالِبَةً	(12) اِثْنَانِ عَشَرَ طَالِبًا
ثَلَاثَ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(13) ثَلَاثَةَ عَشَرَ طَالِبًا
أَرْبَعَ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(14) أَرْبَعَةَ عَشَرَ طَالِبًا
خَمْسَ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(15) خَمْسَةَ عَشَرَ طَالِبًا
سِتَّ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(16) سِتَّةَ عَشَرَ طَالِبًا
سَبْعَ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(17) سَبْعَةَ عَشَرَ طَالِبًا
ثَمَانِيَةَ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(18) ثَمَانِيَةَ عَشَرَ طَالِبًا
تِسْعَ عَشْرَةَ طَالِبَةً	(19) تِسْعَةَ عَشَرَ طَالِبًا
عِشْرُونَ طَالِبَةً	(20) عِشْرُونَ طَالِبًا
إِحْدَى وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(21) وَاحِدٌ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
اِثْنَانِ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(22) اِثْنَانِ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
ثَلَاثُ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(23) ثَلَاثَةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
أَرْبَعُ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(24) أَرْبَعَةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
خَمْسَ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(25) خَمْسَةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
سِتَّ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(26) سِتَّةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
سَبْعَ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(27) سَبْعَةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
ثَمَانٍ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(28) ثَمَانِيَةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
تِسْعَ وَعِشْرُونَ طَالِبَةً	(29) تِسْعَةَ وَعِشْرُونَ طَالِبًا
ثَلَاثُونَ طَالِبَةً	(30) ثَلَاثُونَ طَالِبًا
أَرْبَعُونَ طَالِبَةً	(40) أَرْبَعُونَ طَالِبًا



خمسون طالبةً	(50) خَمْسُونَ طَالِبًا
سِتُّونَ طالبةً	(60) سِتُّونَ طَالِبًا
سبعونَ طالبةً	(70) سَبْعُونَ طَالِبًا
ثمانونَ طالبةً	(80) ثَمَانُونَ طَالِبًا
تِسْعُونَ طالبةً	(90) تِسْعُونَ طَالِبًا

## Мустасно

Мустасно – истисно калималардан сўнг зикр қилинган исм бўлиб, олдиндаги исмга ҳукмда мухолиф бўлади. Олдиндаги исмга "мустасно минҳ", дейилади.

Истисно калималар қуйидагилардир:

إِلَّا، حَاشَا، خَلَا، عَدَا، مَا خَلَا، مَا عَدَا، لَيْسَ، لَا يَكُونُ

каби. جَاءَ الطَّلَبَةُ إِلَّا بَكْرًا

Маъноси: Талабалар келди фақат Бакр келмади.

Бу ерда Бَكْرًا мустасно, الطَّلَبَةُ мустасно минҳдир.

Мустасно билан мустасно минҳ иккиси бир жинсдан бўлса "мустасно муттасил", деб номланади. Масалан: جَاءَ الطَّلَبَةُ إِلَّا بَكْرًا деган жумлада Бакр талаба жинсидандир ҳамда бу мустасно муттасилдир. Мустасно билан мустасно минҳ иккиси бир жинсдан бўлмаса "мустасно мунқотеъ", дейилади.

каби. جَاءَ الْقَوْمُ إِلَّا جَمَارًا

Маъноси: Қавм келди фақат эшак келмади.

Бундаги эшак қавм жинсидан эмас, шунинг учун бу мустасно мунқотеъдир.

Баъзи вақтда мустасно минҳ лафзда бўлмаса, бу вақтда мустаснони мансуб бўлиши вожиб эмас. Балки, мустаснодан

олдинги омилнинг устидаги эъроб билан эъробланур, яъни ўрнига қараб эъроб берилади.

إِن زَيْدًا عَالِمٌ، ظَنِّي أَنَّ بَكْرًا جَاهِلٌ، كَانَ عَمْرًا بَقْرًا، مَا عَلِمَ بَكْرٌ دَرْسَهُ وَلَكِنَّ شَاكِرًا فَاهِمًا، لَيْتَ فَيْضًا

Бундай мустаснога "мустасно муфаррағ", дейилади.

## Хуруфу мушаббаҳа билфеълнинг исми

طَائِرٌ، لَعَلَّ خَيْرًا نَصِيبٌ.

## Афъолу ноқисанинг хабари

Бунга мисоллар қуйидагичадир:

كَانَ الْقَدِيمُ حَدِيثًا  
يَصِيرُ الْقَدِيمُ حَدِيثًا  
أَمْسَى الْقَوْمُ غَافِلِينَ  
وَأَصْبَحُوا مُتَنَبِّهِينَ  
يُضْحِي الْمُجْتَهِدُ مُسْتَفِيدًا  
يُظَلُّ الْعَدْلُ سَائِدًا  
قَدْ بَيْتَ الْمَوْسِرُ مُعْسِرًا  
مَا زَالَتِ النِّسَاءُ مُزَيِّنَاتٍ  
لَا يَبْرُخُ الدُّخَانُ مُتَصَاعِدًا  
لَا يَفْتَأُ الْكَرِيمُ مُحْبُوبًا  
لَا يَنْفَكُ الْغَنِيُّ مُسْتَزِيدًا مِنَ الثَّرْوَةِ  
أَحَبُّ بَصِيرًا مَا دَامَ هُوَ صَدِيقًا

## لَيْسَ الْمُجِدُّ مَحْرُومًا

Танбех: Афъолу ноқисага ўхшаган бир неча феъллар бўлиб, улар каби амал қилади.

Улар ушбулардир:

أَضَ، رَجَعَ، عَادَ، اسْتَحَالَ، قَعَدَ، حَارَ، اِرْتَدَّ، تَحَوَّلَ، غَدَا، رَاحَ، انْقَلَبَ، تَبَدَّلَ

Буларнинг ҳар бири барча муштакқалари билан сарф қилинади. Буларнинг ҳар қайсиси صَارَ маъносидадир.

### Афъолу муқорабанинг хабари

Бунга қуйидаги мисол бўлади.

عَسَى اللَّهُ يَأْتِي بِالْفَرَجِ

Маъноси: Шояд Аллоҳ таоло кушойишни берса.

كَادَ الْبَحْرُ يَضْطَرِبُ

Денгиз изтироб бўлишига оз қолди.

كَرَبَ الْبُسْتَايِيُّ يَقْطَعُ الشَّجَرَةَ

Боғбон дарахтни кесишига оз қолди.

أَوْشَكَ الْكَسْلَانُ يَمُوتُ مِنَ الْجُوعِ

Дангаса очликдан ўлишига оз қолди.

أَخَذَتِ الْمَرْأَةُ تُصْلِحُ الثِّيَابَ

Аёл кийимларни ислоҳ қила бошлади.

### لَيْسَ га ўхшаш مَا، لَا нинг хабари

مَا هَذَا بَشَرًا، مَا هُنَّ أُمَّهَاتِهِمْ، لَا حَافِظٌ نَائِمًا، لَا الْبَابُ مَفْتُوحًا.

## ۋ нафий жинсинг исми

каби. لَا غُلَامٌ رَجُلٍ أَفْضَلُ مِنْكَ، لَا خَيْرًا مِنْ زَيْدٍ

Буларнинг исми музоф бўлса ёки музофга ўхшаган лафз бўлсагина мансуб бўлади. Масалан, биринчи мисолда غلام музоф, иккинчи мисолда خَيْرًا музофга ўхшашдир. Агар булар каби бўлмаса, фатҳага мабний бўлади.

каби. لَا رَجُلٍ فِي الدَّارِ

## МАЖРУРОТ

Ўзида жар аломати бўлган исмларни мажрурот, деб номланади.

Булар уч қисдир:

1. Музофун илайҳ бўлган исм.
2. Жар деб аталмиш ҳарфлар кирган исм.
3. Ушбу юқоридаги иккисига тобеъ бўлган эргашувчилар.

Музофун илайҳ – ўзига бошқа бир исмни бириктириб, изофа қилинган исмдир.

Изофа дегани – бир исмни иккинчи бир исмга бириктириб, нисбат қилинган исмдир. Ушбу бириккан исмнинг

аввалгисини "музоф", иккинчи исмни эса "музофун илайҳ", дейилади.

كِتَابُ زَيْدٍ каби. (Маъноси: Зайднинг китоби)

Бунда كتاب музоф, زيد музофун илайҳдир.

Изофа икки қисмдир.

1. Изофа лафзийя.

2. Изофа маънавийя.

Изофа лафзийя – муштак бўлган исм маъмулининг изофасидир.

زَيْدٌ ضَارِبٌ عَمْرُو

Зайд Амрни урувчидир, дегандаги ضَارِبٌ ни عمرو га изофаси каби. Бунда ضَارِبٌ исми фоил, мафъули эса изофа қилинган.

زَيْدٌ مَعْمُورٌ الدَّارِ

Зайд юртини обод қилувчидир.

زَيْدٌ حَسَنُ الْوَجْهِ

Зайднинг юзи кўркамдир.

Буларда مَعْمُورٌ исми мафъул маъмули حَسَنٌ сифати мушаббаҳа фоилга изофа қилинган.

Изофа маънавийя – Лафзда бошқа бўлган изофалардир.

زَيْدٌ خَادِمٌ (Зайднинг хизматчиси) дегандаги خَادِمٌ сўзининг زَيْدٌ сўзига изофа қилингани кабидир.

## Музоф ва музофун илайҳнинг ҳукмлари

Музофнинг ҳукми танвиндан ҳамда тасния ва жамъларнинг нунларидан холи бўлиб, аввал зикр қилинганидир.

Музофун илайҳнинг ҳукми музофдан сўнг зикр қилиниб, мажрур бўлишидир.

Изофа маънавийяда музофун илайҳ маърифа бўлса, музофга маърифаликни ҳосил қилади.

خَادِمٌ زَيْدٍ каби.

Бордию, музофун илайҳ накра бўлса, музофга тахсисликни, яъни ҳослашни ифода этади.

خَادِمٌ رَجُلٍ каби.

Изофа лафзийяда музофга енгилликнигина ифода этади. ضَارِبٌ عَمْرٍو даги каби. Бунда ضَارِبٌ сўзидан танвин тушиш ила енгиллик ҳосил бўлмоқда. Аслида танвин билан келиб ضَارِبٌ عَمْرًا кўринишида эди.

### Жар ҳарфи кирган исм

Жар ҳарфлари кирган исмлар ушбу ҳарф сабабли мажрур (касра) бўлади.

Улар ўн еттитадир:

مِنْ، إِلَى، عَنْ، عَلَى، فِي، رَبِّ، بَاءَ، كَافَ، لَامَ، وَاوَ، تَاءَ، مُذْ، مُنْذُ، حَتَّى، خَلَا، عَدَا، حَاشَا.

...дан – مِنْ

...га – إِلَى

...дан, ҳақида – عَنْ

.да, устида – عَلَى

- ...да, ичида – فِي
- ЭҲТИМОЛ, КЎПИНЧА – رَبِّ
- билан – بِ
- каби – كَ
- ...да бор, ники – لِ
- қасам учун – وَأَوْ الْقَسَمِ
- қасам учун – تَ
- ...дан бери – مُذْ
- ...дан бери, аввал – مُنْذُ
- ...гача – حَتَّى
- истисно равишда – خِلاَءَ
- ...дан ташқари – عِداَءَ
- ...дан ташқари – حَاشَا

Ушбу жар ҳарфларга қуйидагилар мисолдир:

أَطْلَبُ الْعِلْمَ مِنَ الْمَهْدِ إِلَى اللَّحْدِ. سِرْتُ عَنِ الْبَلَدِ. قَعَدْتُ عَلَى الْكُرْسِيِّ. لَعَبْنَا فِي الدَّارِ. رَبِّ إِشَارَةٍ  
 أَبْلَعُ مِنْ عِبَارَةٍ. بِالْعَدْلِ تُعَمَّرُ الْبِلَادُ. زَيْدٌ كَالْأَسَدِ. الْمُلْكُ لِلَّهِ. وَاللَّهُ إِلَيَّ أَحْبَبُكَ. تَاللَّهِ لَقَدْ أَتَرَكَ اللَّهُ عَلَيْنَا. مَا  
 كَلَّمْتُهُ مُذْ يَوْمٍ. مَا رَأَيْتُهُ مُنْذُ يَوْمَيْنِ. سَهَرْنَا حَتَّى حَتَّى مَطْلَعِ الْفَجْرِ. لَا يَنْفَعُكَ شَيْءٌ خِلاَءَ عَمَلِ الصَّالِحَاتِ.  
 مَا رَأَيْتُ الْيَوْمَ مِنْ أَصْحَابِي أَحَدًا عِداَءَ زَيْدٍ. مَا كَلَّمْتُ الْيَوْمَ أَحَدًا حَاشَا فَرِيدٍ.

### Мутааллақ – мутааллик

Жар – тортмоқ, деганидир.

Жар ҳарфи – тортувчи ҳарф, деганидир.

Жар ҳарфларининг ҳар қайсиси ўзи кирган исмга феъл ёки шибҳ феълнинг маъносини тортади.

Масалан: **كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ** десак, бунда ёзишни қалам билан амалга оширилганини **بِالْقَلَمِ** даги **با** дан биламиз. Шунинг учун жар ҳарфига феъл ёки шибҳ феъл лозимдир.

Феъл ва шибҳ феълга "мутааллақ" дейилади.

Жар ҳарфи билан мажрурга "мутааллиқ", дейилади. Ва яна мутааллиқга "зарф" ҳам дейилади.

Зарф икки турлидир:

1. Мутааллақи ўом феълларидан бўлиб, ҳазф қилинган бўлса "зарфи мустақар", дейилади.

**زَيْدٌ فِي الدَّارِ** каби. Бунинг мутааллақи **مَوْجُودٌ** ҳазф қилинган.

2. Мутааллақи зикр қилинган бўлса, ёки ҳазф бўлиб, ўом феъллардан бўлмаса "зарфи лағв" дейилади.

**كُنْتُ فِي الدَّارِ** каби.

Бунда **زَيْدٌ فِي الدَّارِ** деб сўралган кимсага **زَيْدٌ فِي الدَّارِ** деб жавоб бериш кабидир. Бундаги **فِي الدَّارِ** нинг мутааллақи ҳазф қилинган. **أَكَلَ** феъли ўом феъллардан эмас.

### **Тавобеъ (эргашувчилар)**

Эргашувчиларда ҳар бир сўнгида зикр қилинган лафз бўлиб, эъроби ўзидан олдинги лафзнинг эъроби каби бўлиши лозимдир.



جَاءَنِي زَيْدٌ نَفْسُهُ، رَأَيْتُ خَالِدًا الْعَالِمَ  
каби. жумлаларидаги نَفْسُهُ ва الْعَالِمَ лафзлари

Кейин келган сўзни "тобеъ", унинг олдидаги лафзни "матбуъ", дейилади.

Тобеълар тўрт қисмдир. (Атфул баён билан беш қисмдир).

1. Тавкид.
2. Наът.
3. Бадал.
4. Атф (ҳарфлар воситасида).
5. Атфул баён.

## Таъкид

Таъкид икки қисмдир.

1. Таъкид лафзий.
2. Таъкид маънавий.

Таъкид — хато англомаслик ёки хато сўзланди, деб фикрламаслик учун такрор қилинган лафздир.

Таъкид лафзийни ҳар бир лафзда келтириш дуруст.

جَاءَ زَيْدٌ زَيْدٌ، جَلَسَ زَيْدٌ زَيْدٌ، إِنَّ زَيْدًا قَائِمٌ  
каби.

Таъкид маънавийлар қуйидагилардир:

نَفْسٌ، عَيْنٌ، كَلَامٌ، كَلِمَةٌ، كُلٌّ، جَمِيعٌ، أَجْمَعٌ

Бу лафзлар билан шак-шубҳани кетказиш учун таъкид қилинади.

جَاءَ الْأُسْتَاذُ نَفْسُهُ عَيْنُهُ، جَاءَتْ مَرْيَمُ نَفْسَهَا عَيْنَهَا дейилур. Бундан бошқа киши эмас, балки, устоз ва Марям айнаи ўзи келди деган нарса тушунилади.

كَلَّا билан тасния музаккар ва كَلْنَا билан тасния муаннас таъкид қилинади.

جَاءَ الرَّجُلَانِ كِلَاهُمَا، جَاءَتِ الْمَرْأَتَانِ كِلْتَاهُمَا каби.

Қолганлари билан жамъ лафзлари ёки жамъ маъносида бўлган лафзлар таъкид қилинади.

اجْتَمَعَ الطُّلَّابُ كُلُّهُمْ جَمِيعُهُمْ أَجْمَعُونَ، جَاءَ الْقَوْمُ كُلُّهُمْ جَمِيعُهُمْ أَجْمَعُونَ каби.

بَيْنَ билан тасниялар таъкид қилинганда бу икки лафзни жамъ сийғасида қилиб, тасния замирга изофа қилмоқ керак.

جَاءَ الزَّيْدَانِ أَنْفُسُهُمَا أَعْيُنُهُمَا، جَاءَتِ الْمَرْيَمَانِ أَنْفُسُهُمَا أَعْيُنُهُمَا каби.

Накралар таъкид маънавий лафзлари билан таъкид қилинмайди.

جَاءَ رَجُلٌ نَفْسُهُ деб айтилмайди.

## Наът

Наът – матбуънинг сифатини баён қилувчи тобеъдир. جَاءَ زَيْدٌ даги الْعَالِمُ каби.

Сифатни васф ҳам дейилади.

Наът икки қисмдир:

1. Наът ҳақиқий.
2. Наът сабабий.

– Наът ҳақиқий – матбуънинг ўзидаги сифатни баён этувчи наътдир.

زَيْدُ الْعَالَمِ даги каби Зайддаги илмни баён этмоқда. Бунга "сифат ал –Ҳақиқийя", дейилади.

– Наът сабабий – Матбуъга тааллуқли бўлган нарсанинг сифатини баён этувчи наътдир.

زَيْدُ الْعَالَمِ ابْنُهُ даги каби.

Бунда الْعَالَمِ сифат матбуъ бўлган زَيْدُ нинг сифатини баён этмаяпти. Балки, زَيْدُ га тааллуқли бўлган ابْن нинг сифатини баён қилмоқда. Шунинг учун бунга "сифату сабабийя", деб айтилади.

Наът ҳақиқий матбуъда ушбу ўн нарсанинг тўрттасида мувофиқ бўлади.

1. Эъробда, яъни рафъ, насб ва жарнинг бирида.
2. Ҳолатда, яъни маърифа ва накранинг бирида.
3. Сонда, яъни муфрад, тасния ва жамънинг бирида.
4. Жинсда, яъни музаккар ва муаннасинг бирида.

Масалан: جَاءَ زَيْدُ الْعَالَمِ дейилганда мазкур ўнтадан тўрттаси, яъни эъробда марфуъ, сонда муфрад, жинсда музаккар ва ҳолатда маърифага мувофиқ бўлмоқда.

**Наът сабабий доим муфрад бўлади. Матбуъсининг аввалги бештадан иккитасида мувофиқ бўлур. Сўнгги бешдан музаккар ва муаннасда ўзидан сўнг зикр этилган исмга мувофиқ бўлади.**

## Бадал

Жумлада матбуъ зикр қилинса–да, матбуъси мақсад бўлмай ўзи мақсад бўлган тобеъдир.

Матбўсга "мубдал минҳ", бадалга "мубдал", дейилади.

Бадал тўрт турлидир:

1. "Бадал кул минал кул". Бунда тобеъ матбуънинг айни ўзи бўлур.

جاء أَخُوكَ زَيْدٌ каби.

Маъноси: Аканг Зайд келди.

2. "Бадал баъз". Бунда тобеъ матбуъснинг бир жуъзи бўлур.

بِعْتُ الدَّارَ نُلْتَهَا каби.

Маъноси: Ҳовлини учдан бирини сотдим.

3. "Бадал иштимол". Бунда тобеъ матбуъни ўз ичига олади.

سَلِبَ زَيْدٌ ثَوْبَهُ каби.

Маъноси: Зайднинг кийими тортиб олинди.

"Бадал ғалат" Бунда матбуъ янглиш зикр этилиб, ортиқча келтирилган бадалдир.

رَأَيْتُ رَجُلًا حِمَارًا каби.

Маъноси: Кишини эшакни кўрдим.

### Атф (харфлар сабабли)

Матбуъ билан тобеъ орасида атф ҳарфлари деб аталмиш ҳарфлардан бири бўлган тобеъдир.

Матбуъсини "маътуфун алайҳ", тобеъни эса, "маътуф", дейилади.

Атф ҳарфлари ўнтадир:

واو، فاء، ثَمَّ، حَتَّى، أَوْ، أَمْ، إِمَّا، لَأَ، بَلْ، لَكِنَّ

– واو маътуф билан маътуф алайҳнинг бирга келишига далолат қилади.

جاء زيد وعمرو каби.

Маъноси: Зайд ва Амр келди.

Бунда қайси бири аввал келса ҳам дурустдир.

– فاء маътуф маътуф алайҳнинг бироз пайтдан кейин келишга далолат қилади.

جاء زيد فعمرُو каби.

Маъноси: Зайд ва бироздан кейин Амр келди.

– ثم маътуф, маътуф алайҳдан сўнг бўлишига далолат қилади.

جاء زيد ثم عمرو каби.

Маъноси: Зайд келди бироздан сўнг Амр келди.

Бу уч атф ҳарфи билан истифҳом ҳамзаси бирга келса, истифҳом ҳамзаси аввал зикр қилинади.

أولاً يرون، أفنضرب، أتم إذا ما وقع каби.

– حى маътуф, маътуф алайҳдан баъзи мақсадларга далолат қилади.

مات الناس حى الأنبياء каби.

Маъноси: Одамлар ҳатто пайғамбарлар ҳам вафот топишди.

– أم، أو، إمّا маътуф билан маътуф алайҳдан бирини ҳукмини субутига далолат қилур.

جاءك زيد أو عمرو каби.

Маъноси: Сенга Зайд келдими ёки Амр.

أَزِيدُ عِنْدَكَ أَمْ عَمْرُو каби.

Маъноси: Ҳузурингда Зайдми ёки Амрми.

جَاءَكَ إِمَّا زَيْدٌ وَإِمَّا عَمْرُو каби.

Маъноси: Ҳузурингга Зайд келдими ёки Амр келдими?

**إِمَّا билан атф қилинганда маътуф алайҳга إما кирган бўлиши керак.**

– لَا маътуф алайҳга собит бўлган ҳукмни маътуфдан инкор қилиш учундир.

جَاءَنِي زَيْدٌ لَا عَمْرُو каби.

Маъноси: Ҳузуримга Зайд келди Амр келмади.

– بَلْ Маътуф алайҳдаги ҳукмни ундан олиб, маътуфга исбот қилиш учундир.

جَاءَنِي زَيْدٌ بَلْ عَمْرُو каби.

Маъноси: Менга зайд келди, йўқ! Балки Амр келди.

– لَكِنْ маътуф алайҳдаги ҳукмга муҳолиф бўлган ҳукмни исбот қилиш учундир. Бу инкор бўлган каломдагина ҳосил бўлади.

مَا قَامَ زَيْدٌ لَكِنْ عَمْرُو каби.

Маъноси: Зайд турмади лекин Амр турди.

## Атфи баён

Атфи баён – матбуъни баёни учун келтирилган тобеъдир.

أَقْسَمَ بِاللَّهِ أَبُو حَفْصٍ عُمَرُو каби.

Маъноси: Абу Ҳафс Умар Аллоҳ номига қасам ичди.

Бунда Абу Ҳафс хазрат Умарнинг кунялари бўлиб, уни баёни учун исмга тобеъ қилинган.

Танбеҳ: Атфнинг фойдаси омилни такрор қилишга ҳожат тушишидир. Лекин мажрур бўлган замирга атф қилинганда омилни такрор қилмоқ керак.

كُلُّ أَقَارِبِهِ سَلَّمْتُ عَلَيْهِ وَعَلَى كُلِّ أَقَارِبِهِ каби.

Маъноси: Унга ва унинг барча қариндошларига салом бердим.

مَرَرْتُ بِهِ وَإِخْوَتَهُ каби.

Маъноси: Уни ва иниларининг олдидан ўтдим.

Бу мисоллардаги عَلَيْهِ даги мажрур замирга ҳамда كُلُّ أَقَارِبِهِ ҳамда بِهِ даги мажрур замирга إِخْوَتَهُ атф қилинганч омил бўлган жар ҳарфларни такрор қилиб келтирилмоқда.

Марфуъ бўлган замир муттасилга бир нарсани атф қилинса, шу замирни мунфасил билан таъкид қилмоқ керак.

سَافَرْتُ أَنَا وَالْحَادِمُ каби.

Маъноси: Мен ва хизматчи сафар қилдим.

زَيْدٌ ضُرِبَ هُوَ وَعَمْرُو каби.

Маъноси: Ўша Зайд ва Амр урилди.

Унинг орасига ажратувчи бир сўз тушса, бу вақтда таъкидсиз қилиш дурустдир.

سَافَرْتُ الْيَوْمَ وَالْحَادِمُ каби.

Маъноси: Бугун мен ва хизматчи сафар қилди.

## Мўъраб феъллар

Мўъраб феъллар уч қисмдир.

Марфуъ, мансуб, мажзум.

Марфуъ феъл – ўзида рафъ аломати бўлган феълдир.

Рафъ аломати феълларда иккитадир:

1. Замма.

2. Нун.

Замма – мухотабдан бошқа муфрад сийғаларда рафъ аломатидир.

Охири саҳиҳ бўлса, заммаси лафзда бўлур. **يَضْرِبُ** каби.

Охири иллат ҳарфи бўлса, заммаси тақдирда бўлур. **يَعْرُو**، **يَرْضَى** каби.

Нун – тасниясларда, жамъ музаккарларда, мухотабда рафъ аломатидир.

**يَضْرِبَانِ**، **تَضْرِبَانِ**، **يَضْرِبُونَ**، **تَضْرِبُونَ**، **تَضْرِبِينَ** каби.

Жамъ муаннаслардаги нунлар эъроб эмас, жамъ аломатидир. Бу жамъ муаннас сийғалари мабнийдир.

Феъли музореънинг ғоиб муаннас кўплиги, мухотаб муаннас кўплиги сийғаларидан бошқа барча сийғалари насб ёки жазм этувчи омиллар бўлмаганда ҳар қайсиси марфуъдир.

## Мансуб феъл

Мансуб феъл – ўзида насб аломати бўлган феълдир. Насб аломати феълларда иккитадир.

1. Фатҳа.

2. Нунни ҳазф бўлиши.



Фатҳа – мухотабдан бошқа муфрад сийғаларда насб аломатидир. Охирида алиф бўлган муфрадларда фатҳа тақдир бўлади.

لَنْ يَرْضَىٰ каби.

Охирида алифдан бошқа ҳарф бўлган муфрадларда фатҳа лафзда бўлур.

لَنْ يَضْرِبَ، لَنْ يَعْزُو، لَنْ يَرْمِي каби.

Нун ҳазф бўлиши – тасниясларда, жамъ музаккарларда, мухотабда насб аломатидир.

لَنْ يَضْرِبَنَا، لَنْ يَضْرِبُوا، لَنْ تَضْرِبِي каби.

Феъли музореъга насб қилувчи омил киргандагина мансуб бўлади.

Феъл ушбу тўрт ҳарфнинг биридан кейин келса, мансуб (фатҳа) бўлади.

أَنْ – (моқ, ш, – иш)

لَنْ – (ҳеч, эмас)

كَيْ – (учун)

إِذَنْ – (ундай бўлса).

أُرِيدُ أَنْ أَتَعَلَّمَ التَّحْو – наҳвни таълим олмоқни хоҳлайман.

لَنْ يَغُوزَ الْكَسَلَانُ – дангаса ҳеч муваффақият қозонмайди.

اسْمِعْ كَيْ تَفْهَمَ – тушуниш учун қулоқ сол.

سَأَجْتَهِدُ، إِذَنْ تَنَالِ الْجَائِزَةَ – фаол бўламан, ундай бўлса мукофотга эришасан.

أَنْ ўзи кирган феълни масдар маъносига ўзгартиради.

Масалан: أَنْ أَكُونَ нинг маъноси бўлмоқ бўлиб, كُونِي ҳукмидадир.

Яна **وَإِوَاوِ، حَتَّى، فَآ، أَوْ،** дан кейин келган музореъ мансуб бўлади.

ثُبَّ لِيَغْفِرَ لَكَ اللَّهُ

Маъноси: Аллоҳ сени мағфират қилиши учун тавба қил.

اجْتَهِدْ فِي الْعِلْمِ حَتَّى تَكُونَ مِنَ الْمُتَبَجِّرِينَ

Маъноси: Илмда фаол бўл, то унда мукаммал бўлгунча.

لَا تُطِعِ الْهَوَى فِتْنًا

Маъноси: Ҳавои нафсга эргашма, хор бўласан.

لَأَلْزِمَنَّكَ أَوْ تُعْطِيَنِي حَقِّي

Маъноси: Сендан ажрамайман ёки ҳаққимни берасан.

لَا تَأْكُلِ السَّمَكِ وَتَشْرَبِ اللَّبَنَ

Маъноси: Сут ичиб, балиқ емагин.

## Мажзум феъл

Мажзум феъл – ўзида жазм аломати бўлган феълдир.

Жазм аломати учтадир:

1. Суқун.
2. Охиридаги иллат ҳарфи тушиши.
3. Афъолу хамсада нуннинг тушиши.

– Суқун – мухотабдан бошқа охири саҳиҳ бўлган муфрадларда жазм аломатидир.

لَمْ يَضْرِبْ، لَمْ تَضْرِبْ каби.

– Охиридаги иллат ҳарфи тушиши – охири иллатли ҳарф бўлган муфрад сийғаларда жазм аломатидир.

لَمْ يَعْزْ، لَمْ يَرْمِ، لَمْ يَرْضَ

–

Афъолу хамсада нуннинг тушиши — тасния, жамъ музаккар ва мухотабларда жазм аломатидир.

لَمْ يَضْرِبْنَا، لَمْ يَضْرِبُوا، لَمْ تَضْرِبِي каби.

Феъли музореъ ўзига жазм қилувчи омил кирганда мажзум бўлади.

Жазм қилувчи омиллар ўн олтитадир:

Булардан тўрттаси биргина феълни феъли музореъни жазм қилади.

لَمْ، لَمَّا، لَأَمْ الْأَمْرِ، لَاءِ النَّاهِيَةِ

— لَمْ يَذْهَبَ أَحَدٌ — *Бирор киши кетмади:* (لَمْ — ма)

— لَمَّا تَعَلَّمَ الْقِرَاءَةَ وَلَمَّا يَكْتُبُ — *Ўзмаса ҳам ўқишни ўрганди:* (لَمَّا — ма)

— مُرِ ابْنَكَ فَلْيَحْتَرَمْ مُعَلِّمَهُ — *Ўглиннга буюргин ўқитувчисини ҳурмат қилсин:*  
(لَأَمْ الْأَمْرِ — амр ломи)

— لَاءِ النَّهْيِ — *Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлма:* (لَاءِ النَّهْيِ — наҳий ломи)

Қолган ўн иккитаси икки феълни жазмли қилади. Бу феъллардан аввалгиси «**феъли шарт**», иккинчиси эса «**жавоби шарт**», деб аталади.

إِنْ، إِذْمَا، مَنْ، مَا، مَهْمَا، مَتَى، أَيَّانَ، أَيُّنَمَا، أَنَّى، حَيْثُمَا، كَيْفَمَا، أَيُّ

— إِنْ تَرَحَّمْتُ رَحِمَ — *Агар раҳм қилсанг раҳм кўрасан:* (إِنْ — агар)

— إِذْمَا تَتَعَلَّمُ تَتَقَدَّمُ — *Қачонки таълим олсанг ривожланасан:* (إِذْمَا — қачонки)

— مَنْ يَطْلُبْ يَجِدْ — *Ким талаб қилса топади:* (مَنْ — ким)

— مَا تُحْصِلُ فِي الصَّغَرِ يَنْفَعُكَ فِي الْكِبَرِ — *Ўшликда нимани қўлга киритсанг катта бўлганинда манфаат кўрасан:* (مَا — нима)

– مَهْمَا تُبْطِنُ تُظْهِرُهُ الْإِيَّامُ – Қачон яширсанг кунлар очиб ташлайди: (مَهْمَا – қачон)

– مَتَى يَصْلُحُ بَاطِنُكَ يَصْلُحُ ظَاهِرُكَ – Қачон ички кўринишинг ислоҳ бўлса устки кўринишинг ҳам ислоҳ бўлади: (مَتَى – қачон)

– أَيَّانَ تَسْأَلُنِي أُجِبُكَ – Қачон мендан сўрасанг сенга жавоб бераман: (أَيَّانَ – қачон)

– أَيْنَمَا تَذْهَبُ نُكْرِمُ – Қаерда бўлмасин борсанг ҳурмат кўрасан: (أَيْنَمَا – Қаерда бўлмасин)

– أَيْنَى يَذْهَبُ صَاحِبُ الْمَالِ يُكْرِمُ – Мол соҳиби қаерга бормасин ҳурмат қилинади: (أَيْنَى – қаерда)

– حَيْثُمَا تَنْزِلُ نُكْرِمُ – қайси жойга тушсангиз ҳурмат қилинасизлар: (حَيْثُمَا – қайси жойга)

– كَيْفَمَا تَكُنْ يَكُنْ قَرِينُكَ – қандай бўлсанг дўстинг ҳам шундай бўлади: (كَيْفَمَا – қандай)

– أَيَّ كِتَابٍ تَقْرَأُ تَسْتَعِيدُ – қайси китобни ўқисанг фойда оласан: (أَيَّ – қайси)

Бу мисоллардаги мажзум бўлган феълларнинг аввалгисини "феъли шарт", иккинчисини "жазоуш шарт (жавоби шарт)", дейилади.

Жазм қилувчи ушбу сўзларни "адавати шарт" ёки "адавати жазо", дейилади.

Буларнинг ичидаги *من* оқил учун, *مَهْمَا*, *مَا*, *فَإَيَّ* оқил учундир.

*حَيْثُمَا* макон учундир.

*كَيْفَمَا* ҳол учундир.

أَيُّ عَسَا "қайси" маъносида ишлатилади.

إِنْ жазони шартга боғлаш учун истемол қилинади.

Буларнинг ҳар бирида айтилган маънолар англашилади.

## Мабний

Мабний – охирида эъробии лафзий ва эъробии тақдирий бўлмаган калимадир.

مِنْ، هُوَ، حَيْثُ، أَمْسِ، زَيْدٌ، عَمْرُو، بَكَرٌ، خَالِدٌ каби.

Мабний икки қисмдир:

1. Аслий мабний.
2. Ориз мабний.

Асл мабний учтадир:

1. Мозий феъли.
2. Амр ҳозир.
3. Ҳарфлар.

Ориз мабний – ўзи мабнийлик сўнгидан келган исмдир. Буларнинг машҳурлари: Замирлар, исми ишоралар ва исми мавсулалардир.

Замир – мутакаллим ёки мухотаб ёки ғойбга далолат қилувчи исмдир.

أَنَا – мен (мутакаллим, 1-шахс).

أَنْتَ – сен (мухотаб, 2-шахс).

هُوَ – у (ғойб, 3-шахс).

Замир (олмош) икки қисмдир:

1. Муттасил.

2. Мунфасил.

Муттасил – Олдидаги сўзга қўшилибгина келадиган замирдир.

سُؤزىداغى كَابى عِلْمَتْ

Мунфасил – Ҳеч қандай сўзга қўшилмай, ўзи алоҳида келадиган замирдир.

كَابى اَنَا، اَنْتَ، هُوَ

الضمائر المنفصلة

جمع	مثنى	مفرد	
هُمْ	هُمَا	هُوَ	الغائب
هُنَّ		هِيَ	
أَنْتُمْ	أَنْتُمَا	أَنْتَ	المخاطب
أَنْتُنَّ		أَنْتِ	
نَحْنُ		أَنَا	المتكلم

الضمائر المتصلة

جمع	مثنى	مفرد	
هُمْ	هُمَا...	هُ...	الغائب
هُنَّ		هَا	
كُم	كُمَا	كَ	المخاطب
كُنَّ		كِ	
نَا	—	ي	المتكلم

Замир мунфасил эъроби маҳаллий эътибори билан икки қисмдир:

1. Марфуъ мунфасил замир.
2. Мансуб мунфасил замир.

Марфуъ мунфасил замирлар қуйидагилардир:

هُوَ، هُمَا، هُمْ، هِيَ، هُمَا، هُنَّ، أَنْتَ، أَنْتُمَا، أَنْتُمْ، أَنْتِ، أَنْتُمْ، أَنَا، نَحْنُ.

Мансуб мунфасил замирлар қуйидагилардир:

إِيَّاهُ، إِيَّهُمَا، إِيَّاهُمْ، إِيَّاهَا، إِيَّاهُمَا، إِيَّاهُنَّ، إِيَّاكَ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكُم، إِيَّاكِ، إِيَّاكُمَا، إِيَّاكُنَّ، إِيَّايَ، إِيَّانَا.

Муттасил замир икки қисмдир:

1. Бариз.
2. Мустатир.

Бариз – лафзда айтиладиган замирдир. عَلِمْتُ даги ت каби.

Мустатир – лафзда айтилмайдиган замирдир.

عَلِمَ нинг остидаги هُو мустатир замир каби.

Муттасил бариз замир эъроб эътибори билан уч қисмдир.

Марфуъ, мансуб, мажрур.

## Муттасил бариз марфуъ

Улар еттитадир:

ألف، واو، نون، ت، تِ، تْ، ث، ثَا

Алиф – феълларнинг тасниятидаги:

ضَرَبْنَا، ضَرَبْتَنَا، ضَرَبْتُمْ، يَضْرِبَانِ

Вов – феълларнинг жамъи музаккаридаги:

ضَرَبُوا، ضَرَبْتُمْ، (في الأصل: ضَرَبْتُمْوَا)، يَضْرِبُونَ، تَضْرِبُونَ

Нун – феълларнинг жамъ муаннасларида:

ضَرَبْنَا، يَضْرِبُنَّ، تَضْرِبْنَ

ت феъли мозийнинг мухотаб сийғасида ضَرَبْتِ даги ت каби.

ت феъли мозийнинг мухотаб сийғасида ضَرَبْتِ даги ت каби.

ث феъли мозийнинг муфрад мутакаллимда ضَرَبْتُ даги ث каби.

نا феъли мозийнинг жамъ мутакаллимда ضَرَبْنَا даги نا каби.

### Замир муттасил бариз мансуб

ضَرَبْتُهُ، ضَرَبْتُمَا، ضَرَبْتُهُمْ، ضَرَبْتَهَا، ضَرَبْتَهُمَا، ضَرَبْتَهُنَّ، ضَرَبْتِكَ، ضَرَبْتِكُمَا، ضَرَبْتِكُمْ، ضَرَبْتِكِ، ضَرَبْتِكُمْ، ضَرَبْتِكُنَّ، ضَرَبْتِنِي، ضَرَبْتَنَا.

Булардаги ضَرَبَ феълидан сўнги исмлар замири бариз мансубдир. ضَرَبْتِنِي даги замир ي дир. ي нинг олдидаги нун феълнинг охиридаги ҳаракатни эски ҳолида қолиши учун келтирилган. ي нинг олди касрала бўлиши лозимлиги учун олдига четдан бир нун келтириб, касрани ушбу нунга берилган. Ушбу нунни "нуни виқоя", деб номланади.

Мутааддий бўлган феълларнинг ҳар қандай сийғаси ушбу мансуб замирларни насб қилади. У қуйидагичадир:

نَصَرْتُهَا – у аёлга ёрдам бердим.

نَصَرْتِنِي – у аёл менга ёрдам берди.

طَلَبْتُمُوهُ، وَجَدْتُمُوهُ – уни талаб қилишди, уни топишди.

قَرَأْتُهُ، كَتَبْتُهُ – уни ўқидим, уни ёздим.



## Замир муттасил бариз мажрур

У икки турлидир:

Жар ҳарфлари билан мажрур бўлганлари бор:

بِهَ، هِمَا، هِمَّ، هَا، هَمَّا، هِنَّ، بِكَ، بِكُمَا، بِكُمْ، بِكِ، بِكُمَا، بِكُنَّ، بِي، نَا.

Музоф илайҳ бўлиб, мажрурга айлангани бор:

كِتَابُهُ، كِتَابُهُمَا، كِتَابُهُمْ، كِتَابُهَا، كِتَابُهُمَا، كِتَابُهُنَّ، كِتَابُكَ، كِتَابُكُمَا، كِتَابُكُمْ، كِتَابُكِ، كِتَابُكُمَا، كِتَابُكُنَّ، كِتَابِي، كِتَابُنَا.

## Исми ишора

Нарсаларни кўрсатиш учун истеъмол қилинадиган исмларни исми ишора дейилади.

تَا каби.

Муфрад музаккар учун рафъ, насб, жар ҳолларининг ҳар қайсиси учун دَا ишлатилади.

Маъноси: шу бир эркак.

Тасния музаккар учун рафъ ҳолида دَانَ насб ва жар ҳолида دَيْنِ бўлади.

Муфрад муаннас учун уччала ҳолатда ҳам تَا бўлади. Муаннас тасниянинг рафъ ҳолида تَانِ бўлади. Насб ва жар ҳолатида تَيْنِ бўлади.

Жамъ музаккар ва жамъ муаннас учун уччала ҳолатда ҳам اولاءِ бўлади. (Анави кўп эркаклар ва аёллар)

Гоҳида исми ишоранинг олдига бир **هَآ** зиёда қилинади. Ушбу **هَآ** ни "Ҳои танбеҳ", деб номланади. Яъни, огоҳлантирувчи ҳо, деганидир.

Бу **هَآذَا** каби бўлиб, ёзувда буни алифини тушуриб, **ذَآ** га қўшиб, **هَذَا** равишда ёзилади.

**هَذَا أَخُوكَ** (Ғофил бўлма, шу сенинг акангдир) каби.

Унинг сарф этилиши қуйидагичадир:

**هَذَا**, **هَذَانِ**, **هَآتَا**, **هَآتَانِ**, **هَؤُلَاءِ**.

Насб ва жар ҳолларида уларнинг тасниязларида **ي** билан ёзилади. **هَآئِي**, **هَآئِي** дейилади.

## Мавсула

Мавсула – ўзидан сўнг зикр этилажак жумла ёки шибҳ жумладан бошқа маъноси мукаммал бўлмаган исмдир.

**الَّذِي**, **الَّتِي**, **مَا**, **مَنْ** каби.

**جَاءَنِي** **الَّذِي** **أَبُوهُ** **عَالِمٌ** каби.

Маъноси: Мени олдимга келган кишики, унинг отаси олимдир.

Мавсуланинг маъноси охирига етказиб мукаммал қиладиган жумлага "сила", дейилади. Бу сила бўлган жумлада мавсулага қайтувчи замир бўлиши шартдир. Ўша замир бариз бўлади.

Масалан: **مَا** **أَبُوهُ** **عَالِمٌ** да **الَّذِي** га қайтувчи **هَآ** бариз замир бордир.

Гоҳида у замир мустатир бўлади.

Масалан: **الْحَمْدُ** **لِلَّهِ** **الَّذِي** **خَلَقَ** **فَسَوَى** даги **خَلَقَ** сўзи ичига яширилган **هُوَ** мустатир замир каби.

Мавсула икки қисмдир:

1. Хос.

2. Муштарак.

Мавсул хос – музаккар, муаннас, тасния, жамъ қилинган мавсула лафздир. **الَّذِي، الَّتِي** каби.

Бу иккиси тасния ва жамъ қилинганда музаккар учун **الَّذِي،** **الَّذَانِ،** **الَّذَيْنِ** бўлади.

Муаннас учун **الَّتَانِ، اللّوَاتِي** дейилади.

Таснияларнинг насб ва жар ҳолатида **الَّذَيْنِ، اللّٰتَيْنِ** дейилади.

Мавсул муштарак – музаккар, муаннас, тасния, жамънинг ҳар қайсиси учун бир турли бўлган лафзларда келади.

Улар тўрттадир:

**أَلْ، مَنْ، مَا، أَيُّ، أَلْ** лардир.

**رَأَيْتُ مَنْ جَاءَكَ** – сени олдингга келган кишини кўрдим.

**سَمِعْتُ مَا تَقُولُهُ** – уни айтган нарсасини эшитдим.

**أَحِبُّ أَيَّ التَّلَامِذَةِ يَدْرُسُ** – шундай шогирдларингни яхши кўраманки, улар дарс қилишар эди.

**عَادَ الْعَائِبُ** – ғойиб бўлган кимса қайтиб келди.

Бу **عَادَ الَّذِي غَابَ** маъносидадир.

**أَلْ** исми фоил ва исми мафъуллардагина мавсула бўлади.

Улар **الَّذِي** ёки **الَّتِي** ўрнида келтирилади.

## Ҳарфлар боби

Жар ҳарфлари ўн еттитадир. Ҳуруфу мушаббаҳа билфеъл олти ҳарфдир. Атф ҳарфлари ўнтадир. Буларни ўз ўрнида баён қилинади.

### Нафий ҳарфлари:

لَمْ، لَمَّا، لَنْ ҳарфларидир.

إِنْ ҳарфлари инкор учундир.

مَا فَعَلَ زَيْدٌ – Зайд бажармади.

مَا يَفْعَلُ زَيْدٌ – Зайд ҳозир ишламайди.

مَا زَيْدٌ مُنْطَلِقًا – Зайд ҳозир кетувчи эмас.

إِنْ قَامَ زَيْدٌ – Зайд ҳозир турмади.

إِنْ يَقُومُ زَيْدٌ – Зайд ҳозир турмас.

إِنْ زَيْدٌ مُنْطَلِقٌ – Зайд ҳозир кетувчи эмас.

Кўп вақтда إِنْ дан сўнг إِلَّا ёки لَمَّا билан истисно қилинади.

Масалан:

إِنَّ الْكَافِرُونَ إِلَّا فِي غُرُورٍ، إِنَّ أَرْدْنَا إِلَّا الْحُسْنَى، إِنَّ كُلُّ نَفْسٍ لَمَّا عَلَيْهَا حَافِظٌ.

لَمَّا дан бошқада келадигани бор.

قُلْ إِنْ أَدْرِي أَقْرَبُ أَمْ بَعِيدُ مَا تُوعَدُونَ

لا музореъга кирса, уни келажак учун хослаб инкор қилади. لَا يَضْرِبُ каби.

Маъноси: Келажакда урмайди.

Агар لا мозийга кирса, ўтган замонни инкори учун бўлади.

У кўп вақт такрор истеъмол қилинади.

Масалан: لَا صَدَقَ وَلَا صَلَّى каби.

لَا нинг исмга киргандаги ҳолатини "лаа нафий жинс" дарсида сўзладик.

لَمَّا ҳарфлари эса, музореънинг маъносини мозийга нақл қилиб, уни инкор қилиш учундир.

لَمَّا يَضْرِبُ، لَمَّا يَضْرِبُ – урмади.

لَمَّا – кутилган бир ишни бўлмаслигини билдириш учундир.

Уриш кутилганда урилмаса, لَمَّا дейилади.

لَنْ келажакни таъкид қилиш билан бирга инкор ҳам қилади.

لَنْ يَضْرِبُ – Ҳаргиз урмас.

### Танбеҳ ҳарфлари:

أَمَّا، هَا، هَА ҳарфларидир.

Булар сўзларнинг аввалида келади.

هَА إِنَّ عَمْرًا بِالْبَابِ – огоҳ бўлинг албатта Амр эшик ёнида.

أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

Огоҳ бўлинг, албатта Аллоҳнинг дўстларига хавф ҳам, хафалик ҳам йўқ.

أَمَّا إِنَّ زَيْدًا عَاقِلٌ

هَА ҳарфи кўпинча исми ишора ва замирларга киради.

هَذَا أَبُوكَ – огоҳ бўл, бу отанг.

هَА أَنَا مُحْتَسِبٌ – огоҳ бўл, мен ҳисоб олувчиман.

### Нидо ҳарфлари:

يَا، أَيُّهَا، هَيَّا، أَيُّهَا، وَ

Аввалги учтаси билан йироқ, ўрта ва яқин ердагиларни нидо қилинади.

أ, ҳарфлари эса, яқиндаги нидо учундир.

وَ эса мандуб (ўлганга йиғлаш) учундир.

Зайдга йиғланган чоғда **وَ زَيْدٌ** дейилур. Бунга мунодо мандуб дейилади.

Гоҳида мандубнинг охирига алиф зиёда қилиб, **وَازِيدًا** ёки алифдан сўнг бир хе ҳарфини зиёда қилиб **وَازِيدَاهُ** деб айтилади.

### Тасдиқ ҳарфлари:

نَعَمْ، بَلَى، إِي، أَجَل، حَيْر، إِنَّ

Буларни ийжоб ҳарфлари ҳам дейилади.

**نَعَمْ** олдиндаги сўзни рост эканини билдириш учун келади. **فَإِمَّ زَيْدٌ** (Зайд турдими?) дегандан сўнг **نَعَمْ** дейилса, (ха, Зайд турди) деган маъно бўлади.

Агар **لَمْ يَثْمُ** дан сўнг **نَعَمْ** дейилса, (ха, Зайд турмади), деган маънода бўлади. Бунда истифҳомнинг жавобига **نَعَمْ** киритилса, жавобда сўралган нарса рост эканини билдиради.

**أَضْرَبَ زَيْدٌ** (Зайд урдими?) деганда **نَعَمْ** дейилса, (ха, Зайд урди) бўлади.

**أَلَمْ يَضْرِبْ زَيْدٌ** (Зайд урмадими?) сўзидан сўнг **نَعَمْ** дейилса, (ха, урмади) маъносида бўлади.

**بَلَى** инкор қилинган сўзни исботи учундир.

**لَمْ يَثْمُ** деганга **بَلَى** дейилса, (йўқ, Зайд турмади эмас, балки ҳақиқатда у турди), деган маънодадир.

**لَمْ يَثْمُ** (Зайд турмадими?) дан сўнг **بَلَى** дейилса, (ха турди) маъносида бўлади.

أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ (Мен сизнинг роббингиз эмасманми?) нинг жавобида بَلَى (албатта Роббимизсан), маъносини англатади.

إِي истифҳомдан сўнг исбот учун бўлиб, қасамсиз истеъмол қилинади. إِي وَاللَّهِ جَاءَ دَان سўнг وَاللَّهِ رَبُّنَا دَان سўнг дейилгани каби. Бу إِي وَاللَّهِ جَاءَ маъносидадир.

وَيَسْتَنْبِئُونَكَ أَحَقُّ هُوَ قُلُّن إِي وَرَبِّي إِنَّهُ لَحَقُّ даги إِي ҳам шу кабидир.

إِنَّ хабарни тасдиқ қилиш учундир.

إِنَّ истифҳомга жавоб ҳам бўлади.

لَيْتَ شِعْرِي هَلْ لِلْمُحِبِّ شِفَاءٌ \* مِنْ جَوَى حُبِّهِنَّ إِنْ النَّفَاءُ

шеъридаги إِنْ каби. Бу ерда هَلْ لِلْمُحِبِّ شِفَاءٌ нинг жавобига тушмоқда.

### Истисно ҳарфлар ушбулардир:

إِلَّا، حَاشَا، عَدَا، خَلَا

Буларнинг ҳукми истисно дарсида айтиб ўтилди.

Зиёда ҳарфлар ушбулардир:

إِنْ، أَنْ، مَا، لَا، مِنْ، بَأ، لَام

Бу ҳарфларни "ҳуруфи сила", яъни боғловчи ҳарфлар дейилади.

إِنْ кўп вақт مَا нофиядан сўнг зиёда қилинади.

مَا رَبُّنَا دَان Сўнг إِنْ رَبُّنَا دَان каби. Бу مَا رَبُّنَا دَان ҳукмидадир.

وَمَا إِنْ شَبَّتُ مِنْ كِبَرٍ وَلَكِنْ \* لَقَيْتُ مِنَ الْحَوَادِثِ مَا أَشْبَاهَا

Мана шу шеъридаги إِنْ каби.

Маъноси: Мен ёш улғайганидан қаримадим, ҳар хил ҳодисаларга дуч келиб қаридим.

أَنْ кўп вақтда لَمَّا дан ҳамда بَعْدَ дан сўнг зиёда қилинади.

لَمَّا أَنْ جَاءَ الْبَشِيرُ بَعْدَ أَنْ كَانَ كَذَا

Бу аслида لَمَّا أَنْ جَاءَ الْبَشِيرُ بَعْدَ كَانَ كَذَا маъносидадир.

Гоҳида أَنْ қасам билан لَوْ орасида зиёда қилинади.

وَاللَّهِ أَنْ لَوْ قَامَ قُومٌ каби.

Маъноси: Аллоҳга қасам! Агар у турса мен ҳам турдим.

مَا шарт калималаридан бўлган إِنَّ، أَيْنَ، أَيُّ، إِذَا ҳарфларидан сўнг ҳамда жар ҳарфларининг баъзисидан сўнг зиёда қилинади.

إِذَا مَا، مَتَى مَا، أَيْنَمَا، أَيَّامًا

(أَيَّامًا مَا تَدْعُو فَلَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى)

(إِمَّا تَرَيَنَّ مِنَ الْبَشَرِ أَحَدًا فَقُولِي)

(فَبِمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللَّهِ)

(عَمَّا قَلِيلٍ)

(مِمَّا خَطِيئَاتِهِمْ)

(زَيْدٌ صَدِيقِي كَمَا أَنَّ عَمْرًا حَبِيبِي)

لَا атф вовидан ҳам إِنَّ дан сўнг зиёда қилинади.

(مَا جَاءَنِي زَيْدٌ وَلَا عَمْرٌو)

(مَا مَنَعَكَ أَنْ لَا تَسْجُدَ)

أُقْسِمُ нинг олдида зиёда қилинади.

لَا أُقْسِمُ بِهَذَا الْبَلَدِ каби.

مِنْ таъкид учун зиёда қилинади.

مَا جَاءَنِي مِنْ أَحَدٍ каби.

Ҳузуримга ҳеч ким келмади.

مَا اتَّخَذَ اللَّهُ مِنْ وَلَدٍ каби.

بِأ نинг зиёда бўлганига мисол:

بِحَسْبِكَ دِرْهَمٌ، كَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا، هَلْ زَيْدٌ بِقَائِمٍ каби.

لَمْ нинг зоида бўлганига мисол:



كَابِي رَدِفَ لَكُمْ، فَعَالٌ لِمَا يُرِيدُ، لَا أَبَا لَكَ

### Тафсир ҳарфлари:

Улар: أَنْ، أَيُّ лардир.

Ай га мисол:

كَابِي جَاءَنِي زَيْدٌ أَيُّ أَبُو عَبْدِ اللَّهِ

Бу ерда Зайдлар кўп бўлганидан Зайддан мурод Абу Абдуллоҳ бўлган деб тафсир қилинган.

كَابِي زَيْدٌ قُطِعَ رِزْقُهُ أَيُّ مَاتَ

Зайднинг ризқи кесилганидан мурод унинг ўлганини билдириш учун вафот қилди деб тафсир қилинмоқда.

Ан сўзи айтмоқ маъносида бўлган феълдан сўнг ва яна феълидан сўнг тафсир бўлиб келади.

– وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِ أَنْ اصْنَعِ الْفُلْكَ – Унга, яъни Нух алайҳиссаломга бир кема ясагин деб ваҳий қилдик.

– وَنَادَيْنَا أَنْ يَا إِبْرَاهِيمَ – Биз унга (Иброҳим алайҳиссаломга) эй Иброҳим деб нидо қилдик.

– كَتَبْتُ إِلَيْهِ أَنْ أَتِ – Унга кел деб ёздим.

### Масдар ҳарфлари:

Улар: مَا، أَنْ، أَنَّ ҳарфларидир.

Аввалги иккиси жумлаи феълийяда истемол қилинади. Булар кирган жумланинг маъноси масдар маъносига айланади.

وَأَتَتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ وَضَعَتْ يَدَهُنَّ فِي بُحُورِهِمْ قَالُوا تِلْكَ بِلادُ الْفُلُكِ الَّتِي كُنتُمْ تُكَذِّبُونَ

أَعْجَبَنِي أَنْ خَرَجْتُ да эса خُرُوجُكَ маъносидадир.

أَنَّ исмий жумлага кириб, жумланинг маъносини масдар маъносига айлантиради.

أَنْ زَيْدًا فَاضِلٌ да эса فَضْلُهُ маъносидадир.

### Таҳзиз (тезлаш) ҳарфлари:

لَومًا дир. Ушбу ҳарфлар музореъга кирганда таҳзиз учундир.

أَلَا تَقْرَأُ الْقُرْآنَ (Қуръон ўқимайсанми?)

هَلَّا تُصَلِّي (Қани намоз ўқимайсанми?)

لَوْلَا تَسْتَغْفِرُونَ اللَّهَ (Агар Аллоҳга истиғфор айтсангиз эди)

لَوْمًا تَأْتِينَا بِالْمَلَائِكَةِ (Агар фаришталар билан бирга келсак эди)

Агар бу ҳарфлар мозийга кирса кўп вақтда тавбих тандим, яъни танбеҳ ва надомат учун, баъзи вақтда орзу учун бўлади.

أَلَا قَرَأْتَ الْقُرْآنَ (Нега Қуръонни ўқимадинг, қани эди ўқисанг)

هَلَّا صَلَّيْتَ (Нега намоз ўқимадинг, қани эди ўқиганингда).

Буларда мухотабни ишлагани учун танбеҳ бўлгани каби келажакда ғофил бўлиб қолмасликлари учун бу ишларни ишлашга қизиқтириш бордир.

وَلَوْلَا إِذْ سَمِعْتُمُوهُ قُلْتُمْ مَا يَكُونُ لَنَا أَنْ نَتَكَلَّمَ بِهَذَا سُبْحَانَكَ هَذَا بُهْتَانٌ عَظِيمٌ.

"Уни эшитган чоғингизда: «Бизга буни гапирмоғимиз тўғри келмайди. Сен, ўзинг поксан! Бу катта бўҳтондир!» десангиз бўлмасмиди?!" (Нур сураси, 16-оят)

Бу жумлада **لَوْلَا** билан **فَلْتُمْ** орасида **إِذْ سَمِعْتُمُوهُ** кирганидан феъл кейинда қолган.

Орзу учун бўлганига мисол:

لَوْلَا أَنْزَلَ عَلَيْهِ مَلَكٌ  
لَوْلَا أَخَّرْتَنِي إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ لَأَصَدَّقَنَّ

**لَوْلَا** исмларга кирганда уларга икки жумла лозим бўлади.

Бири, жумлаи исмийя, иккинчиси лом кирган жумлаи феълийядир.

لَوْلَا زَيْدٌ لَأَكْرَمْتُكَ

Агар Зайд бўлмаганда мен сени ҳурмат қилар эдим.

**لَوْلَا** кирган исм мубтадо бўлиб, хабари ҳазф қилиниши шартдир. У хабарда **كَأَنَّ**, **مَوْجُودٌ**, каби омм феъллардан бўлиши керак.

Агар хабар **لَوْلَا زَيْدٌ قَائِمٌ** каби омм феълдан бўлмаса, бу вақтда хабарни масдар қилиб, мубтадога изофа қилмоқ, **لَوْلَا قِيَامٌ زَيْدٍ** каби, ёки жумлага **أَنَّ** киргизиб,

**لَوْلَا أَنْ زَيْدًا قَائِمٌ** демоқ шартдир.

### Тавакқуъ (кутиш) ва тақриб (яқинлаштириш) ҳарфи

**قَدْ** ҳар вақт феълга кириб, ушбу феълнинг кутиб турилганини ва яқин замонда бўлажагини билдиради. Ҳамда мозийга кирганда шу феълнинг бўлганини ҳақиқат деб таъкид қилади. Масалан:

**قَدْ قَامَتِ الصَّلَاةُ** – (Намоз ўқиладиган вақт бўлиб қолди) каби.

قَدْ музореъ феълига кирганда озликни ифода қилади.

Масалан:

الْكُدُوبُ قَدْ يُصَدِّقُ (Ўта ёлгончи гоҳида рост сўзлайди).

الْبَخِيلُ قَدْ يَجُودُ (Бахил киши гоҳида сахий бўлади).

قَدْ يُدْرِكُ الْمُتَأَنِّي بَعْضَ حَاجَاتِهِ (Гоҳида секинак баъзи ҳожатларини амалга оширади).

وَقَدْ يَكُونُ مَعَ الْمُسْتَعْجِلِ الزَّلَلُ (Гоҳида шошқалоқ қоқилади).

Лекин Аллоҳ таолога иснод қилинган феълларда музореъ бўлсада قَدْ таҳқиқ учундир.

قَدْ يَعْلَمُ اللَّهُ (Таҳқиқ Аллоҳ таоло билади).

قَدْ نَزَى تَقْلُبٌ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ (Гоҳо юзингни осмонга тез-тез бурилганини кўрамиз).

قَدْ кутилган нарсага кирганда ишлатилади. Масалан: **قَدْ مَاتَ فُلَانٌ** ўлими кутилган кишининг ўлгани хабари берилганда дейилади. **قَدْ مَاتَ فُلَانٌ** ўлими кутилмаган кишининг ўлимидан хабар берганда дейиш шарт бўлади.

### Истикбол (келажак) ҳарфлари

سَيَنْ، سَوْفَ، لَأَ، لَنْ дир. Феъли музореъ ҳол билан мустақбал орасида муштаракдир.

يَضْرِبُ (у киши ҳозир уряпти) ёки (у киши урар) деб икки ҳолда таржима қилиш жоиздир.

Агар музореъга истикбол ҳарфларидан бири кирса, бу вақтда мустақбалга хос бўлади.

Масалан: سَيَضْرِبُ дейилса, (у киши уради) бўлади.

Агар **سَوْفَ يَضْرِبُ** дейилса (у киши анча фурсатдан кейин уради) маъносида бўлади.

**لَنْ** ҳарфлари музореънинг маъносини инкор қилиб, мустақбалга хос қилади.

Масалан: **لَا يَضْرِبُ** (у киши келажакда урмас).

**لَنْ يَضْرِبَ** (у киши келажакда албатта урмас), деган маънодадир.

## Истифҳом ҳарфлари

Улар: **هَلْ**, **أَ** ҳарфларидир.

Бу ҳарфлар ўзлари кирган жумлаларнинг олдида бўлиши шартдир. Масалан:

**هَلْ جَاءَ زَيْدٌ** – **أَزَيْدٌ جَاءَ** иккови ҳам (Зайд келдими?) маъносидадир.

**أَلَمْ يَجِئْ زَيْدٌ** (Зайд келмадими?) каби.

**أَ** ҳар турли жумлаларга киради.

**أَزَيْدٌ قَائِمٌ، أَرَيْدٌ لَيْسَ بِقَائِمٍ، أَقَامَ زَيْدٌ، أَلَمْ يَقُمْ زَيْدٌ، أَرَيْدُ ضَرْبَتَهُ**

**أ** танбеҳ учун бўлганда музореъга киради.

**أَتَضْرِبُ زَيْدًا وَهُوَ أَخُوكَ** (Зайдни урасанми? Ваҳоланки, у сенинг биродарингдир) каби.

**هَلْ** манфий бўлган жумлага кирмайди.

**هَلْ لَمْ يَقُمْ زَيْدٌ** дейилмайди.

Хабари феъл бўлган жумлаи исмийяга кирмайди.

**هَلْ زَيْدٌ قَامَ** дейилмайди. Такдирдаги феъл билан мансуб бўлган исмга кирмайди.

**هَلْ زَيْدًا ضَرْبَتَهُ** дейилмайди.

Атф ҳарфи билан келганда **أ** атф ҳарфидан олдин келади.

каби. أَفَمَنْ كَانَ - إِذَا مَا وَقَعَ

هل атф ҳарфидан сўнг келади.

فَهَلْ يُهْلَكُ إِلَّا الْقَوْمُ الْفَاسِقِينَ

даги каби. هَلْ يَسْتَوِي الْأَعْمَى وَالْبَصِيرُ أَمْ هَلْ تَسْتَوِي الظُّلُمَاتُ وَالنُّورُ

## Шарт ҳарфлари

لَوْ ҳарфларидир. Булар икки феълга киради. Аввалги феълга "феъли шарт", иккинчи феълга "жазоуш шарт (жавоби шарт) дейилади.

إِنْ تُكْرِمْنِي أُكْرِمَكَ (Агар мени ҳурмат қилсанг сени ҳурмат қиламан)

لَوْ أَكْرَمَنِي زَيْدٌ لَأَكْرَمْتُهُ (Агар Зайд мени ҳурмат қилса, мен ҳам уни ҳурмат қилган бўлар эдим).

إِنْ кирган феъллар мустақбал учундир, гарчи лафзда мозий бўлса ҳам.

إِنْ أَكْرَمْتَنِي أُكْرِمْتُكَ дейилса мустақбал маъносидадир. (Агар сен мени ҳурмат қилсанг мен ҳам сени ҳурмат қиламан), деганидир.

لَوْ кирган феъллар мозий учундир, гарчи лафзда музореъ бўлса ҳам.

لَوْ يَخْرُجُ زَيْدٌ لَأَخْرَجُ أَنَا дейилганда мозий маъносидадир. (Агар Зайд чиққан бўлса, мен ҳам чиққан бўлар эдим), дейилгани каби.

لَوْ нинг жавобида кўп вақт لام киради. Масалан. юқоридаги мисоллардаги لَأَكْرَمْتُهُ، لَأَخْرَجُ деб лом ҳарфи билан келган. Бу ҳарфлар феълларгагина киради. Баъзи бир ўринларда исмга

кирган ҳолда кўринса-да, у ерда исмнинг олдига бир феъл тақдирда бордир. Ўша ерда у феълни лафздан тушириш шартдир.

وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ

قُلْ لَوْ أَنْتُمْ تَمْلِكُونَ خَزَائِنَ رَحْمَةِ رَبِّي إِذًا لَأَمْسَكْتُمْ خَشْيَةَ الْإِنْفَاقِ

Бу ерда **اسْتَجَارَكَ** **بُؤْلِيْب** **وَإِنْ** **اسْتَجَارَكَ** **أَحَدٌ** **مِنَ** **الْمُشْرِكِينَ** **اسْتَجَارَكَ** тақдирдадир.

**لَوْ تَمْلِكُونَ** **أَنْتُمْ تَمْلِكُونَ** тақдирдадир.

### Радъ (рад) ҳарфи

У **كَأَنَّ** ҳарфидир. У "йўқ", "воз кеч", "бўлмади", маъноларида келади.

أَيُّطَمَعُ كُلُّ امْرِئٍ مِنْهُمْ أَنْ يُدْخَلَ جَنَّةَ نَعِيمٍ، كَلَّا

"Улардан ҳар бир киши наъим жаннатга киритилишни тамаъ қиладими? Йўқ! Албатта".

**فُلَانٌ يَبْغِضُكَ** (Фалончи сендан ғазабланади) деган кишига жавобда **كَأَنَّ** (йўқ, ундай эмас) дейилади.

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين، والصلاة والسلام على خير خلقه محمد وآله وصحبه أجمعين.

التأليف: 1335 السنة الهجرية

التحويل من التتارية إلى الأزيكية: 1436 السنة الهجرية